Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 159 (7299). ● 20 август, 1980 йил ▲ ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

Л. И. Брежнев Ю. Цеденбал билан учрашди



Суратда: учрашув пайти.

ТАСС махсус мухбири В. Мусаэльян телефотоси.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида дам олаётган МХРП Марказий Комитети Биринчи секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал билан 18 августда Қримда дўстона учрашди.

Л. И. Брежнев билан Ю. Цеденбал совет ва монгол халқлари ўртасидаги муносабатлар муттасил янги формалар билан бойитилаётганлигини мамнуният билан уқтириб ўтдилар. КПСС билан МХРП сиёсат, идеология, кадрлар тайёрлаш ва бошқа соҳаларда фаол ва самарали ҳамкорлик қилмоқдалар. Совет Иттифоқидаги бир қанча автоном республикалар ва областлар партия ташкилотларининг Монголия Халқ Республикаси аймоқ партия ташкилотлари билан алоқасининг самарадорлиги ўсмоқда.

Совет Иттифоқи билан Монголия ўртасида иқтисодий муносабатлар муваффақиятли ривожланмоқда. 1981-1985 йиллар мобайнида Совет—Монголия товар оборотни шу беш йилликдагига нисбатан 1,5 баравар кўпаяди ва қарийб 5 миллиард сўмдан иборат бўлади. МХРнинг қишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачиликни ўстиришни, шунингдек ёнилғи, энергетика, кон саноати, енгил, озиқ-овқат саноати республика саноатининг бошқа тармоқларини юксалтиришни янада кучайтириш тадбирлари келишиб олинди.

Ю. Цеденбал айтдики, марксизм-ленинизм принципларига ва социалистик интернационализмга асосланган Совет—Монголия ҳамкорлиги монгол халқига катта-катта социал-иқтисодий вазифаларни бажаришга, ўз фаровонлигини оширишга ёрдам бермоқда. У монгол халқига социализм қурилишида доимий, ҳар тарафлама қардошларча ёрдам бераётганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига ва шахсан Л. И. Брежневга миннатдорчилик билдирди.

Л. И. Брежнев билан Ю. Цеденбал халқаро масалаларга доир бир қанча масалаларни муҳокама қилдилар, Осиё проблемаларига алоҳида эътибор бердилар. Халқларнинг тинчликка ва тинч ҳамкорликка, ижтимоий тараққиётга, миллий суверенитетни ҳимоя қилишга бўлган хоҳиш-иродасининг мустаҳкамланиши Осиёдаги сиёсий ҳаётнинг муҳим ҳусусиятидир, шу билан бирга Осиё халқларининг озодлиги ишига душман бўлган кучларнинг ҳатарли тарзда активлашаётганлиги ҳам кўриниб турибди.

АҚШ империалистлари ва Хитой гегемончилари ҳар бири ўзига хос йўл билан ҳаракат қилиб, қитъада халқаро муносабатларни зўр бериб заҳарламоқда, можароли вазиятларни сақлаб қолишга ва кескинлаштиришга интилмоқда. Кўп йиллардан бери Яқин Шарқда давом этаётган танглик, Эрон атрофидаги кескин вазият, Афғонистондаги Апрель революциясининг галабаларига қарши ҳужумлар, Ҳинди—Хитой мамлакатларига қўпол ҳарбий ва бошқа тазйиқлар, АСЕАНга аъзо бўлган давлатларнинг ички ишларига аралашишга уринишлар бунинг далилидир.

Совет Иттифоқи билан Монголия ҳукуматлар доираларининг, демократик ҳаракатларнинг, прогрессив ташкилотлар ва кенг халқлар оммасининг ўз юртига ўзи хўжайинлик қилиш ҳуқуқи учун олиб бораётган курашини билан бирдам эканликларини билдирадилар. Улар Осиёда вазиятни нормаллаштириш ҳамда ҳамма жойда яхши қўшничилик муносабатларини барқарор қилиш учун курашмоқдалар.

Европада ва жаҳоннинг бошқа ҳар бир районида бўлганидек, Осиё учун ҳам кескинликнинг юмшатилиши шу қадар зарурдир. Бу эса куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилиш сиёсатидан тамомила воз кечишни талаб қиладилар. Осиёда мустаҳкам тинчлик жаҳон сиёсий иқлимини соғломлаштиришга ғоят самарали тарзда хизмат қилиши мумкин.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан Ю. Цеденбалнинг учрашуви дўстона самимий вазиятда ўтди ва муҳокама қилинган масалалар хусусида томонларнинг тамомила бир фикрда эканликларини намойиш қилди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко қатнашди.

(ТАСС).

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

● Областимизнинг мардуманидон пахтакорлари фидокорона меҳнат қилиб, далаларда «оқ олтин»дан мўл ҳосил тўпламоқдалар.

Етиштирилган ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олиш, давлатга сифатли пахта топшириш учун терим мавсумига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриш керак.

● Машина терими — хирмон унумидир. Колхоз ва совхозларда терим техникаси асосан ремонтдан чиқарилиб, сафга қўйиб қўйилган. Айни кунларда бу техникани яна бир бор синчиклаб кўздан кечирайлик. Механик ҳайдовчиларнинг кўрик конкурсини ўтказиш — ишнинг муваффақиятини таъмин этувчи омиллардандир.

● Куни кеча матбуотда гўза дефолиациясини ўз вақтида ўтказишга тайёргарлик кўриш ва бу ишни уюшқоқлик билан амалга ошириш юзасидан область пахтакорлар советининг тавсияси эълон қилинди.

● КПСС XXVI съезди шарафига зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун ўзаро мусобақани авж олдирайлик.

ОЗУҚА ЖАМҒАРИШ ҚИЗҒИН

Калинин райони колхоз ва совхозларида чорва қишловига пухта замин яратилмоқда. Ҳозирги ғаниматдамлардан оқилона фойдаланаётган чорвадорлар шу кунгача пландаги 23 минг 40 тонна ўрнига 23 минг 144 тонна сенаж тайёрладилар. Бу борада райондаги «Бўстон», «Хасково», «Партия XXI съезди» совхозлари коллективлари эришган натижалар, айниқса, қувончлидир.

Шунингдек, барча хўжаликларда витаминли ўт талқони тайёрлаш ишлари жадал давом этмоқда. Уннинчи бешйилликнинг якунловчи йилида 2 минг тонна ана шундай озуқа етиштиришга аҳд қилган чорвадорлар шу кунгача 1275 тонна ўт талқони тайёрладилар. Калинин номли, Оржоникидзе номли колхозларда ҳамда «Рассвет», «Иваново» совхозлари ўт талқони тайёрлаш планларини оширишга адо этдилар.

О. ЗОКИРОВА.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ВА РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалигидаги Бутуниттифоқ ва республика бирлашмалари тўғрисидаги умумий низомни тасдиқлади.

Низомда кўзда тутилишича, қишлоқ хўжалигидаги Бутуниттифоқ ва республика бирлашмаларига ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш, аграр-саноат бирлашмалари, совхозлар трестлари, совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик, қурилиш ташкилотлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган ва асрайдиган корхоналар, тўғёрлов, савдо-реализация, таъминот, автотранспорт корхоналари ва иттифоқ ёки республика ҳарамоғидаги (ўзларининг бутун фаолияти юзасидан) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат қиладиган бошқа корхоналар киради.

Колхозлар, бошқа кооператив корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек хўжаликлараро корхоналар (ташкилотлар) ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш ва аграр-саноат бирлашмалари составидагина қишлоқ хўжалигидаги Бутуниттифоқ ёки республика бирлашмасига кирадилар.

Қишлоқ хўжалигидаги Бутуниттифоқ ва республика бирлашмалари қишлоқ хўжалик маҳсулотининг тегишли турларини етиштиришнинг аҳволи ва ривожи учун ҳамда шу маҳсулотни давлатга сотиш планининг бажарилиши учун, ишлаб чиқаришдаги фан-техника тараққиёти, маҳсулотнинг сифати, иқтисодий тежашга риоя қилиши, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши рентабеллигининг оширилиши, капитал маблағлардан самарали фойдаланилиши, ишлаб чиқариш қувватларининг ўз вақтида ишга туширилиши ва ўзлаштирилиши, қурилишнинг смета қувватига риоя қилиниши учун, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши учун жавобгар бўладилар.

Қишлоқ хўжалигидаги Бутуниттифоқ ва республика бирлашмаларида зарур марказлаштирилган фондлар ва резервлар вужудга келтирилади.

Бирлашмаларга алоҳида бошқарув аппарати раҳбарлик қилади, бу аппаратга бирлашма бошлиғи бошчилик килади, шунингдек бирлашма кенгаши тузилади.

Низомда қишлоқ хўжалигидаги Бутуниттифоқ ва республика бирлашмаларининг ҳуқуқлари ҳам вазифалари белгилаб берилган.

(ТАСС).

ЁШ ИШЧИЛАРГА—ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

СССР Министрлар Совети ҳунар-техника билим юртларини битириб чиқувчилардан тўғри фойдаланишга, уларнинг ишлаб чиқаришда ўрнашиб олишига, шунингдек фан-техника тараққиётининг ҳозирги талабларини ҳисобга олиб, ёш ишчиларнинг касб-кор даражасини оширишга муҳим аҳамият бериб, шу масала юзасидан қарор қабул қилди.

Қарорда уқтириб ўтилишича, бу соҳадаги энг зарур тадбирларнинг амалга оширилиши иттифоқдош республикалар министрлар советларининг, СССР министрликлари ва идораларининг, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг жуда муҳим вазифасидир.

Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига:

ҳунар-техника билим юртларини битириб келган кишиларга олган касби ва малакасига мувофиқ иш берилишини таъминлаш, уларга зарур уй-жой ва маиший шароит яратиш, ёш ишчиларнинг малака маҳорати ўсишини таъминлаш, ёш ишчилар билан ишлаш тўғрисида ишчиларнинг йиғилишлари (конференциялари)да мунтазам маълумот бериб туриш;

касаба союз ташкилотлари билан биргаликда ёш ишчиларнинг ишлаб чиқаришда энг яхши ўрнашиб олиши учун цехлар (участкалар) ўртасидаги социалистик мусобақани авж олдириш;

ишдан бўшаш тўғрисида ариза бериш сабабларини шахсан цех (участка) раҳбари, касаба союз комитетининг раиси синчиклаб ўрганмай туриб, ёш ишчини ишдан бўшатиш мумкин бўлмайдиган тартибни ўрнатиш;

ёшлар ўртасида касб-кор маҳорати конкурсларини ўтказишни одат тусига киритиш, ёш ишчиларни рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракатига кенг жалб этиш тавсия қилинди.

Ҳунар-техника таълими маҳаллий органларига бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар мазкур билим юртларини битириб келганларни олинган касб ва малакага мувофиқ ишга қабул қилиш ва улардан фойдаланишга тайёр бўлмаган тақдирда уларни бошқа бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга қайтадан тақсимлаш ҳуқуқи берилди.

Қарорда ҳунар-техника билим юртларини битириб чиқувчиларни тайёрлаш ва тақсимлашни планлаштиришни яхшилаш тадбирлари кўзда тутилган.

(ТАСС).

МАҲОРАТ КЎРИГИ

ЯНГИЙЎЛ РАЙОН СУТ СОҒУВЧИЛАРИНИНГ СЕМИНАР-КОНКУРСИДАН

Кейинги йилларда Янгийўл район хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш, сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги чорвачилик комплексларини қуриш, жамоат чорвачилиги учун мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш, чорвадорларнинг маҳорати ва малакасини ошириш район партия, совет, хўжалик ташкилотлари, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг доимий диққат марказида турибди.

Яқинда Ленин номли колхоз чорвачилик комплексида район сигир соғувчиларининг семинар-конкурси бўлиб ўтди. Конкурсни район партия комитетининг секретари ўртоқ А. Ў. Латипов қисқача кириш сўзи билан очди.

Район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ М. Мирсодиқов йиғилганларга район чорвадорлари олдида турган вазифалар, КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш йўлида амалга ошириладиган тадбирлар ҳақида гапириб берди.

— Чорвачиликни юксалтириш соҳасидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда, — деди котиқ, — фермалар ва чорвачилик комплексларида оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишлари тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий ахборотчиларнинг ишини намунали ташкил этиш, ферма цех партия ташкилотларининг иш планларида алоҳида кўрсатилади. Ахборотлар график асосида олиб борилади. Бу графикда сиёсий ахборотнинг мавзуи, ўтказиладиган жойи ва вақти аниқ кўрсатилган бўлади.

Район бош ветеринария врачи ўртоқ П. В. Гребенюк фермаларда, чорвачилик комплексларида ветеринария-санитария қоидаларига ва талабларига тўла риоя қилиш зарурлиги ҳақида сўзлади.

Шундан сўнг конкурс бошланди. Унинг шартларига кўра ҳар бир сигир соғувчи соғиш аппаратини қисмларга ажратиш ва йиғиш, чорвачиликка доир биттадан саволга жавоб бериш ҳамда сигир соғиши керак эди. Ленин номли колхознинг моҳир сут соғувчиси Қумри Абдуқодирова конкурс шартларини бажаришга киришди. У ўз меҳнати билан фермада шуҳрат топаётганлардан бири. Моҳир соғувчи чаққонлик билан ҳаракат қилди. Соғиш аппаратини қисмларга ажратиш ва йиғишга жюри томонидан 5 минут вақт берилган эди. Қумрихон бу вазифани 4 минут-у 30 секундда бажарди. Унга «Сигирни соғишга қандай тайёрлаш керак?» деган савол берилди. Жавоб аниқ бўлганлиги учун жюри аъзолари соғувчига энг юқори балл қўйишди.

Қумрихон конкурснинг учинчи шартини — сигир соғишни ҳам моҳирлик билан бажарди. У ажратилган 4 минут вақтда 6 литр сут соғиб олди. Бу — конкурс иштирокчилари ўртасидаги энг юқори кўрсаткич эди. Шундай қилиб, Қумрихон Абдуқодирова конкурсда биринчи ўринни эгаллади ва биринчи даражали диплом ҳамда қимматбаҳо буюм билан тақдирланди.

Иккинчи ўринни Ленин номли колхознинг соғувчиси Норпошша Муҳаммаджонова, учинчи ўринни Ҳамрокул Турсунқулов номли колхознинг пешқадам соғувчиси Ўлмас Ёқубова эгаллашди. Умуман, маҳорат беллашувида Калинин номли колхоздан Ортиқ Собирова, «Ленинизм» колхозидан Маҳбуба Охунова, «Коммунизм» колхозидан Раҳима Умарова, «Интернационал» колхозидан Назифа Айгазинова, У. Юсупов номли ишлаб чиқариш аграр бирлашмасидан Майрам Эргашева, САИМЭдан Ҳожия Мустафоева каби ўз касбининг усталари ҳам яхши баҳо олдилар.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ.

Суратда: конкурс ғолиблари (чапдан) Қумри Абдуқодирова, Норпошша Муҳаммаджонова ва Ўлмас Ёқубова. Р. Галиев фотоси.

XVII ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ III СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети **қарор қилади:**

XVII чақириқ халқ депутатлари область Советининг навбатдаги III сессияси 1980 йил 25 августда Тошкент шаҳрида чақирилсин. Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

область халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва қишлоқ хўжалик органларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Тошкент область партия комитетининг 1980 йил ҳосилини териб олиш, тайёрлашни уюштириш ва унинг сифатини ошириш тадбирлари тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида;

область халқ депутатлари маҳаллий Советлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва саноат корхоналарининг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, ассортиментини кенгайтириш ва сифатини ошириши юзасидан вазифалари тўғрисида;

XVII чақириқ халқ депутатлари область Советининг II сессиясида билдирилган танқидий мулоҳаза ва таклифларнинг бажарилиши ҳақида;

область Советининг депутатлари Т. Н. Бекматов, Н. П. Долгарева ўртоқларнинг ишлаб чиқариш фаолияти, депутатлик вазифалари, область Совети ва ижроия комитетининг қарор ва топшириқларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги маълумотлари.

Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси Т. АЛИМОВ.

Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг секретари А. МАНСУРОВ.

ДЕҲҚОН ҚУВОНЧИ

ЭРТА БАҲОРДАН то шу дамгача тиним билмай, кунни тунга улаб, маҳорат кўрсатиб, изланиб меҳнат қилган деҳқонининг қувончи бугун чексиз. Кенг ва бепоён далаларда мўл ҳосил етилмоқда. Қаторларда бир текис тизилиб турган гўза тупларида кўсаклар маржон-маржон.

Колхоз раиси Ислиддин Ҳайдаров дала айланар экан, айниқса, Абдуғани Назаркулов бригадаси пахтакорларининг меҳнатидан ҳурсанд бўлди. Улар агротехника бўйича белгиланган ҳар бир тадбирни маромида бажармоқдалар. Чеканкани ҳаммадан барвақт тугалладилар. Ҳозир бешинчи сув берилянти. Озиқлантириш ҳам эрта ниҳоясига етказилган эди.

— Раҳмат, сизга, — деди раис, — бундан бўёғини режаларингиз қандай?

— Ҳосилга ҳосил қўшишни давом эттирамиз, — деди Абдуғани ака. Айни кунларда, айниқса, экинни сувдан толиқтирмаслик керак. Сувчиларимиз буни яхши тушунган ҳолда меҳнат қилишяпти.

— Баракалла, — деди раис. — Мен ён картага сув қўяётган колхозчиларингизнинг ишидан, айниқса, хурсанд бўлдим. Пушталар бир текис намланиб, ҳар туп гўза қониб сув ичяпти.

Абдуғани Назаркулов колхознинг тажрибали, моҳир бригада бошлиқларидан. У ҳар йили гектаридан 40 центнердан ошириб хирмон кўтаради. Ўтган йили ҳосилдорлик 43 центнерга етган эди. Бригада деҳқонлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш ташаббусини билан чиқдилар. Уларнинг бу ташаббусига колхознинг Маннон Мусаев, Абдунаби Арслонов бригадалари ҳам қўшилдилар. Пешқадамлар бошлиқ коллективлар съезд шарафига бошланган социалистик мусобақада яхши натижаларга эришиб ҳурматга сазовор бўлмоқдалар. Колхозда уларнинг издошлари кўпайиб бораётир.

Ҳозир гўзанинг бўйи, ҳосил тугунчаларига ишониб парваришни бирор дам бўшаштириб қўйиш катта зиён келтиради. Машъал колхоз деҳқонлари буни ўз тажрибаларида бир неча бор синаб кўрганлар. Шунинг учун ҳам улар гўза парваришини пахта пишиб етилгунгача қизғин давом эттиришни кўзда тутмоқдалар. Культивация ғоят эҳтиётлик билан ўтказиляпти. Ғўзаларга шарбат суви оқизилаётир. Айни пайтда йиғим-теримга ҳам тайёргарлик қучайтириб юборилган.

— Яқинда матбуотда эълон қилинган Бўка райони деҳқонлари ҳамда Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози механизаторларининг пахта йиғим-теримига тайёргарлик ва бу ишни қисқа муддатларда сифатли ўтказиш бўйича белгиланган тадбирлари билан биз ҳам танишиб чиқдик, — дейди колхоз раиси ва ана шу тадбирлар асосида ўзимизнинг ҳам тадбирларимизни ишлаб чиқдик. Деҳқон қанчалик кўп ва сифатли пахта топширса, унинг даромади шунчалик мўмай бўлади. Биз ана шу мақсадда 1975 йилдаёқ етиштирилган пахтани қабул пунктларига бригада усулида топширишни жорий қила бошлаган эдик. Бу жуда яхши натижа бермоқда. Ҳосилнинг асосий қисми биринчи сортга топширилмоқда. Бу йил ҳам ана шу тажрибамизни қўлдаймиз ва бойитамиз.

Бу йил етиштирилган ҳосилнинг кам деганда 90 процентини машиналарда териб олинади. Бу ишга пухта тайёргарлик кўрилаётир. Машина терими учун ажратилган далалар алоҳида назорат остига олинган, машиналар қайрилладиган жойларни белгилаб, техниклаштирилдик. 22 та пахта териш машинаси, 56 та тележка, 10 та кўсак чувийдиган машина тез кунда майсумга тахт қилинади.

Ҳосил ўтган йилдагидан анча барвақт етилаяпти. Асосий эътибор уни тез ва сифатли териб олишга қаратилади. Мавсумда далаларда 5 та терим отряди ишлайди. Ҳар бир группага биттадан механик-ҳайдовчи бириктирилади. Колхоз правленияси ва партия бюроси аъзоларидан бири бу группага масъул қилиб тайинланади. Ҳар бир группада 4—5 та терим машинаси, 10 га яқин тележка ишлайди. Мусобақага ҳар беш кунда якун чиқарилади. Теримда энг юқори натижага эришган ва биринчи ўринни олган группага кўчма Қизил байроқ билан бирйўла пул мукофоти берилади. Шу беш кун давомида 40 тонна пахта терган механизатор биринчи ўринни, 35 тонна пахта терган механизатор эса иккинчи ўринни эгаллайди ва уларга 25—20 сўмдан пул мукофоти берилади.

Биз бу тадбирларни механизаторлар ўртасида кенг муҳокама қилиб, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштирамиз.

Теримнинг муваффақиятли ўтишини таъминлашда дефолиацил муддатини тўғри белгилаш ва сифатли ўтказиш катта аҳамиятга эга. Биз бу ишда кўпроқ трактор аппаратларидан фойдаланамиз.

Пискент районидаги «Гулистон» колхози деҳқонлари гўза парваришини давом эттириш билан бирга мавсумга ана шундай пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, давлатга 3200 тонна пахта сотиш юзасидан белгиланган планни 5 октябргача, 4 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини эса 6 ноябргача бажариш учун курашмоқдалар.

Н. РИҲСИЕВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ИШЧАНЛИК ВАЗИЯТИДА

Биринчи ва еттинчи бригада цех партия ташкилотининг бундан олдинги ҳисобот ва сайлов йиғилишида эришилган муваффақиятлар қайд этилиши билан бирга йўл қўйилган қатор камчиликлар ҳам кескин танқид қилинган эди. Айниқса узумзорлардаги аҳвол чатоқлиги, уларни парвариш қилишда коммунистлар етарли роль ўйнамаётганлиги кўрсатиб ўтилганди.

— Ҳисобот даврида, — деди цех партия ташкилоти секретари Х. Парпиев, — асосий эътибор коммунистларнинг активлигини оширишга ва ана шу асосда токзорларда парвариш ишларини кучайтиришга қаратилди. Қатор ораларига кўплаб минерал ва маҳаллий ўғит солинди. Сабзавотчилик, боғдорчиликни янада ривожлантириш бўйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилди.

Коммунистлар социалистик мусобақани ташкил этишда, унинг таъсирчанлигини оширишда намуна кўрсатдилар. Натижада дала ишларининг суръати кўтарилиб, сифати яхшиланди. Бригадалар социалистик мусобақада бир неча бор ғолиб чиқиб, колхоз правленнеси ва партия ташкилотининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофотини олишга сазовор бўлдилар.

Айниқса коммунист Ислом Лоладзе бошлиқ бригада сабзавоткорлари унумли меҳнат қилишди. Улар баҳорда 3 гектар ерга плёнка остига карам экиб, пландаги 25 тонна ўрнига 32 тонна ҳосил олдилар. Бошқа сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва давлатга топшириш планн ҳам муваффақиятли бажарилмоқда.

Ҳисобот даврида КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиш, қолоқларсиз ишлаш, иш сифатини ошириш ва юксак самарадорликка эришиш соҳасида белгилаб олинган вазифаларни амалга оширишда А. Султонов, С. Тўхтабоева, Р. Тошматов сингари коммунистлар айниқса ташаббус кўрсатдилар. Улар ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли бажариш билан бирга меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларни йўлга қўйишда ҳам намуна бўлдилар.

Масалан, коммунист А. Султонов зиммасига оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишларини жонлантириш вазифаси юкланган эди. У масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда иш олиб борди. Натижада мазкур участкадаги ишлар сезиларли даражада яхшиланди, ўтказилаётган тадбирлар сермазмун ва қизиқарли тус олди.

Бригадир снёсний-ахборотчи Б. Эгамбердиев коллективга моҳирона раҳбарлик қилиш билан бир қаторда партия ва ҳукуматимизнинг ички ва ташқи снёсат борасида олиб бораётган ишларини деҳқонлар онгига сингдириб, уларни кундалик ҳаётда рўй бераётган воқеалардан хабардор қилиб турмоқда.

Бир йил давомида цех партия ташкилотининг 12 та умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Уларда 26 та масала муҳокама қилинди. Йиғилишлардан бирида токзорларни парвариш қилиш, соҳибкорлар ўртасида социалистик мусобақа таъсирчанлигини оширишда коммунистлар роли кўриб чиқилди. Унда парвариш ишлари сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Яна бир партия йиғилишида партия қарорлари моҳиятини оммага етказиш ва мураббийчилик ҳаракатини авж олдиришда коммунистлар тутган ўрин кўриб чиқилди. Бу бежиз эмасди. Чунки ташкилот ҳисобида турадиган кўпчилик коммунистлар пенсионер отахонлардир. Улар ёшларга устозлик қилиб ўзларининг бой тажрибаларини ўргатмоқдалар.

Докладчи ва музокараларда сўзлаган коммунистлар цех партия ташкилотининг фаолиятидаги камчиликларни ҳам рўй-рост очиб ташладилар. Жумладан колхоз раиси Ғиёсов, кекса коммунист У. Ҳакимбеков ва бошқалар эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмаслик зарурлиги ҳақида гапирдилар.

— Ўтган ҳисобот йилида партия сафларида ўсиш бўлмаганлиги ачинарли ҳол, — деди колхоз раиси. — Ҳолбуки, коллективда берилган топшириқларни сидқидилдан бажариб келаётган ёшлар кам эмас. Янги сайланадиган ўртоқлар бу масалага эътиборни кучайтиришлари керак.

Сўзга чиққанлар топшириқларнинг ижроси устидан назорат олиб бориш қониқарли эмаслиги, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги ролини оширишга етарли эътибор бермаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Йиғилишда цех партия ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилди, цех партия ташкилотининг янги составн сайланди.

М. ЖАВҲАРОВ.
Калинин районидаги Орджоникидзе номли колхоз.



ЗАРБДОР ВАХТАДА

Абдулла Жўраев В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи мартен цехининг илғор ишчиларидан ҳисобланади. Ёш металлург ўзининг ҳалол ва унумли меҳнати билан коллектив ҳурматини қозонган. У пўлат эритувчи ёрдамчиси сифатида ўз вазифасини сидқидилдан бажармоқда.

В. Сироткин фотоси.

ТРАКТОРСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи коллективи КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида фаол қатнашмоқда. Тракторсозлар ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йили планини муддатдан илгари бажариш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун иш суръатини кун сайин жадаллаштирмоқдалар.

Барча цехлар коллективларининг бир маромда ва яқин ҳамкорликда ишлашлари туфайли давлат планлари ой сайин ортиғи билан адо этилмоқда. Мамлакатимиз пахтакорларига тобора кўпроқ тракторлар етказиб беридиляпти. Корхона ишчи хизматчилари йил бошидан бери пахтакор хўжаликларга салкам 14 мингта Т—28 ХЗМ маркали қудратли тракторлар, 21,5 мингдан кўпроқ трактор прицеплари жўнатидилар. Коллектив эришаётган бундай ютуқларга 13-цех ишчилари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар цехлараро социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти.

— Цехимиз коллективи, — дейди илғор мастер Олмос Бўтабеков, — КПСС XXVI съезди шарафига юксак мажбуриятлар олган. Биз пландан ташқари 60 та трактор ишлаб чиқаришга қарор қилдик.

Йил бошидан бери қўшимча ўнларча минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бунда ишлаб чиқариш илғорларидан Давлатов, Бутусов, Давидов ва бошқаларнинг муносиб ҳиссалари бор. Чунки, ҳар сменада нормани 1,5 баравар атрофида бажараётган бу меҳнатсеварлар ўзларининг иш тажрибаларини ёш тракторсозларга ҳам кунт билан ўргатиб, қолоқлар сафининг камайишига ёрдам беришяпти.

О. ИСРОИЛОВА,
ТошДУ студенти.

КИТОБ—БЕБАҲО ХАЗИНА

Китоб азалдан халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлиги ҳисобланади. Инсон уни севган, қўли гул усталар эса ардоқлаб безашган. Улкан кошоналарда кутубхоналар ва қироатхоналар ташкил этилган.

Бизнинг замонамизда ҳам китобга бўлган талаб беқиёс даражада ўсди. Ҳозирги даврга келиб, Совет Иттифоқи энг кўп китоб нашр этувчи давлатга айланди. Мамлакатимизда минглаб кутубхоналар мавжуд бўлиб, совет кишилари уларнинг хизматидан баҳраманд бўлишяпти.

Тошкент шаҳридаги А. Навоий номли кутубхона ҳам йирик ҳазиналардан биридир. Бу зиё масканига кейинги беш йилда 40 мингдан зиёд китобхон жалб этилган. Кутубхона катталиги жиҳатидан ҳам энг йирик ҳисобланади. Билим ўчоғида 17 бўлим ишлайди. Уларда 290 дан ортиқ ўз ишининг усталари ўқувчиларга хизмат кўрсатишмоқда.

Яқинда бу ерда китобхонларга яна бир қулайлик яратилди. У ҳам бўлса диспетчерлик хизмати кўрсатиш бўлимининг ташкил этилганидир. Бу бўлимда китобхонлардан тушган буюртмаларни китоб фондига юборилади. У ерда электрон ҳисоблаш машиналари орқали буюртмалар белгиланиб, хизмат кўрсатиш бўлими томонидан ўқувчиларга етказилади. Буидан ташқари кутубхоначилар томонидан китобхонларга намунали хизмат кўрсатишнинг бошқа имкониятларидан ҳам фойдаланилмоқда. Жумладан, машинада хизмат кўрсатишнинг конкрет график усули ишлаб чиқилган бўлиб, бу эса китобларни ўқувчиларга ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

Ёшларнинг билим ва тажрибаларини ошириш соҳасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Кутубхонада 6 ойлик курс ташкил этилган. Унда хизматчилар ўз малакаларини оширадилар. Уларга тажрибали, ветеран кутубхона хизматчилари дарс беришади.

Кутубхонада хушмуомилалик, ҳар бир китобхонга яхши хизмат кўрсатиш кутубхоначиларнинг шиорига айланиб қолган. Бу ерда айниқса, консультантларнинг амалга ошираётган ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар кутубхонашунослик ишлари бўйича ўқувчиларга ёрдам берадилар. Тегишли кўрсатмаларини айтадилар. Буюк саналарга бағишланган китоб кўргазмалари ташкил этишда алоҳида жонбозлик кўрсатишади. 1980 йилнинг ўтган даври мобайнида кутубхона залларида 125 дан ортиқ китоб кўргазмалари ташкил этилди.

Фан ва техниканинг илғор ютуқларини тарғиб қилиш ҳамда ишлаб чиқариш ходимларига информацион-библиографик хизмат кўрсатишни жонлантириш борасида ҳам кутубхонада кўпгина ишлар қилинмоқда. Кутубхонанинг илмий-методика бўлими томонидан республика шаҳар ва район кутубхоналарига яқиндан ёрдам берилмоқда. Шу кунгача 28 методик қўлланма нашр этилган бўлиб, уларнинг тиражи 13490 тага етади.

Кейинги йиллар ичида шаҳар ва район кутубхоналарини марказлаштириш уларнинг унумли ишлашларида катта аҳамият касб этмоқда. Шу кунгача 153 дан ортиқ шаҳар ва район кутубхоналари марказлаштирилган бўлиб, уларга А. Навоий номли кутубхонанинг миллий библиография бўлими томонидан турли мавзуларда тавсия ва библиографик қўлланмалар тузиб берилмоқда.

Бу зиё масканида йирик амалий тадбирлар ўтказиш ҳам анъанага айланиб қолган. Бу йил ана шундай тадбирлардан иккитаси ўтказилди. Жиззахда бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ҳам шунинг биридир. Бу конференцияда, турли системалардаги кутубхоналарда олиб бориладиган ишлар тўғрисида ўртоқлашилди. Иккинчи тадбир эса область кутубхоналари директорлари ва методистларининг республика семинаридир. Бундай тадбирлар ҳам кутубхоналар ишларини яхшилашда катта аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда А. Навоий номли кутубхона ўзининг 110 йиллик юбилейини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Келгусида шаҳримизнинг академик Сулаймонов кўчасида бу зиё масканининг янги биноси қад кўтаради. У 20 қаватли бўлиб, ўқувчиларга намунали хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар муҳайё этилган бўлади.

Л. РАҲМОНОВ,
ТошДУ студенти.

АВТОТРАНСПОРТДА БРИГАДА ПУДРАТИ

САРДОР

ТОШКЕНТ область юк ташиш ишлаб чиқариш автомобиль трестида янги усул — бригада пудратини жорий этиш ташаббускорлари, илғорлар ҳақида гап кетганда Янгийўлдаги 107-автомобиль корхонасидан Владимир Дадаев бошчилик қилаётган ҳайдовчилар бригадаси биринчилар қаторида тилга олинади. Бунинг боиси бор, албатта.

1965 йили Владимир машина рулини бошқариш орзусида 107-автокорхона ҳузуридаги ҳайдовчилар тайёрлаш курсига ўқишга кирди. Ўқишни тугатгач унга «ГАЗ-51» автомашинаси берилди. Машинанинг анча эскилиги, уни капитал ремонтдан чиқариш зарурлиги Володяни чўчитмади, бу ишга жон-дилидан киришди. Яхшилаб ремонтдан чиқарди ва Александр Васильевич Халява бошчилигидаги 3-колоннада ҳайдовчи бўлиб ишлай бошлади.

Дастлабки пайтларда анча қийинчиликларни енгишга тўғри келди, — дейди биз билан суҳбатда Володя, — лекин Александр Васильевич ва бошқа тажрибали ҳайдовчилар менга ҳар томонлама ёрдам бердилар.

Орадан ҳеч канча вақт ўтмай, Володя меҳнатсеварлиги, кунти ва қобилияти билан ҳамкасблари ўртасида ҳурмат қозона бошлади. У смена ва ойлик топшириқларини мунтазам 120—130 процент адо этиб, тажриба орттира борди.

Ойлар кетидан ойлар, йиллар ўтди. Володя 3-колоннада 7 йил ҳайдовчи бўлиб ишлади. Лекин, у техникани чуқурроқ ўрганиши, билимини ошириши зарурлигини яхши тушунарди. Қишлоқ хўжалик техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Володя ишни ўқиш билан бирга қўшиб олиб борди. 1972 йилда техникумни муваффақиятли тамомлаб, техник-механик мутахассислиги дипломини олди.

Шу йили у ҳаракат хавфсизлиги бўйича инженер лавозимига тайинланди. Орадан ярим йилча вақт ўтди. Машина рулини бошқариш орзуси Володяни тинч қўймасди.

— 1972 йилнинг охирлари эди, — дейди Владимир. — Рудий Константинович Немов бошчилик қилган 1-колоннада аҳвол анча қийинлашди, ҳайдовчилар етишмаслиги туфайли автомобилларнинг бекор туриб қолиши натижасида колонна қолоқлар қаторига тушиб қолди. Мен ана шу участкага оддий ҳайдовчи бўлиб ўтишга қарор қилдим.

Шундай қилиб, Володя яна машина рулига ўтирди. Унга «Колхида» автомобили ажратиб берилди. У бипими, тажрибасини ишга солиб, колоннани илғорлар қаторига олиб чиқиш ишига қўлидан келганича ҳисса қўшишга ҳаракат қилди.

Меҳнат қилган—элда азиз, дейди халқимиз. Володя ҳам тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, ишлаб чиқаришдаги яхши кўрсаткичлари, ҳамкасбларига нисбатан ғамхўрлиги, камтарлиги билан коллективда ҳурмат қозонди.

Инсон ҳаётида шундай дамлар бўладики, бир умр кишининг ёдидан чиқмайди. 1972 йил Володя учун ана шундай йил бўлди — уни КПСС аъзолигига қабул қилишди. Коммунист бўлиш ҳар бир киши зиммасига юксак масъулият юклашини яхши тушунган В. Дадаев илгаригидан ҳам яхшироқ ишлашга, меҳнатда, юриш-туришда бошқаларга ўрнак бўлишга интилди. Кунлик ва ойлик топшириқларини, қолаверса социалистик мажбуриятларини мунтазам ортиғи билан бажариш унинг учун одат бўлиб қолди.

1974 йил. Корхонада янги усул — бригада пудрати бўйича ишлайдиган бригада тузишга қарор қилинди. Маъмурият, партия ва касаба союз ташкилотлари тажрибали ҳайдовчи, ёш коммунист Владимирни шундай бригадага бошлиқ қилиб тайинлади. Тажрибали ҳайдовчи, коммунист Владимир Дадаев матбуотда бу янги усул тўғрисида босилаётган материаллар билан яқиндан танишиб борди, қийинчиликлар олдида эсанкираб қолмади.

Янгийўл пахта заводи билан автокорхона ва ҳайдовчилар бригадаси ўртасида пудрат-шартнома тузилди. Ҳар бир томон ўз зиммасига аниқ мажбуриятлар олди. Масалан, корхона маъмурияти бригадага топшириқларни бажаришни таъминлайдиган даражада автомашиналар ажратиб бериш, уларни жорий ва капитал ремонт қилиш учун махсус ремонтчилар звеносини бириктириб қўйиш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш мажбуриятини олди. Пахта заводи эса ҳом ашёни ўз вақтида тушириб олиш, автомобилларнинг бекор туриб қолишига йўл қўймаслик, йўл ва майдончаларнинг доимо яхши холатда бўлишини таъминлашга сўз берди. Ўз навбатида ҳайдовчилар бригадаси автомобилларнинг доимо ишга тахт бўлишини таъминлаш, юклаш-тушириш вақтида бекор туриб қолишини кескин камайтириш, заводнинг узлуксиз ишлаши учун ҳом ашё билан етарли даражада таъминлаш мажбуриятини олди.

Бригада бошлиғи биринчи кунлардан бошлаб ҳайдовчиларни ягона оилага бирлаштириш, план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни мунтазам бажариш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга ҳаракат қилди. Унинг ҳаракатлари зое кетмади.

Ҳозирги кунда бригада составида 20 нафар ҳайдовчи бўлиб, улар ихтиёрига «КАЗ-608» маркали прицепли 20 та автомашина берилган. Прицепли машинани бошқариш ҳайдовчидан билим, тажриба, зўр маҳорат талаб қилиши ҳеч кимга сир эмас. Бригада аъзоларининг кўпчилиги ёшлар бўлишига қарамасдан, улар бу ишнинг уддасидан чиқмоқдалар. Ҳайдовчилар коммунист ва комсомолларга хос ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, бригаданинг доимо олдинги сафларда бўлишини таъминламоқдалар.

Бригада аъзоларидан Неъмат Расулов, Яша Забитов, Виктор Больбат ва бошқалар бригада ташкил этилган дастлабки кунлардан бери ўзларининг ҳалол меҳнати, ишга бўлган муносабати билан бошқаларга ўрнак бўлаяптилар. Улар смена топшириқларини доимо 130—140 процент адо этиб, коллективнинг умумий муваффақиятига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бригада аъзолари асосан пахта заводи учун Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларидан хом ашё ташиш билан шуғулланадилар. Хом ашё бўлмай қолган тақдирда машиналарнинг бекор туриб қолмаслиги учун уруғлик чигит, қурилиш материаллари ва бошқа халқ хўжалик юкларини ташиш кўзда тутилган. Шундай қилиб, бригадага бириктириб қўйилган автомобилларнинг бекор туришига асло йўл қўйилмайди.

План ва социалистик мажбуриятларнинг доимо бажарилиши бригада учун одат тусига кириб қолган. 1979 йил якунлари бўйича юк ташиш планн 103,4 процент, тонна-километр бўйича — 101,2 процент бажарилди, автомобилларнинг йўлга чиқиш коэффициенти 104,2 процентни ташкил этди.

Шу йилнинг ўтган ярим йиллик кўрсаткичлари ҳам чакки эмас. Белгиланган 1,3 минг ўрнига 1,8 минг тонна юк ташилиб, бу борадаги план 138 процент бажарилди. 67,2 минг ўрнига 142,3 минг тонна-километр иш бажарилди. Бу планга нисбатан 212 процент демакдир.

Бригада аъзолари 1977 йилдан бери коммунистик меҳнат бригадаси деган юксак номни шарафлаб келмоқдалар.

Бу ютуқларга аввало бригада бошлиғининг ўзи муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У кунлик ва ойлик топшириқларни доимо 190—200 процент бажаряпти. Владимир 1978 йилнинг 1 декабрь куни ўнинчи беш йилликни муваффақиятли адо этиб, ҳозирда 1984 йилнинг февраль ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Беш йиллик бошидан бери пландан ташқари 5,6 минг тонна халқ хўжалик юки ташилди, юк оборотн 634 миллион 600 минг тонна-километрни ташкил этди.

Бундай юксак кўрсаткичларга эришишда бригада пудратининг жорий этилиши қўл келди. Владимир янги усулни жорий этиш ташаббускори, Бекободдаги 16-автокорхона ҳайдовчилар бригадасининг бошлиғи Ҳабибулла Абдужаббаров тажрибаси асосида ишлаётган республика илғор тажриба мактабида ўқиб, бригаданинг иши билан яқиндан танишиб қайтди. У ерда олган билими, кўрган-билганларини ўз коллективида амалда қўллашга ҳаракат қилмоқда.

— Владимир ҳақиқатда ўз касбини жон-дилидан севган, тажрибали ҳайдовчи, ёшлар сардори, биз у билан ҳақли равишда фахрланамиз,—дейди биз билан суҳбатда автокорхона директори И. Вожков. — Унинг тажрибаси асосида бир неча бригада янги усулга ўтиб ишламоқда.

Шу кунларда коммунист, моҳир бригада бошлиғи Владимир Дадаев ва у бошлиқ коллектив аъзолари жонажон партиямизнинг навбатдаги XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Л. МАТКАРИМОВА,
«Узавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси пропаганда бўлимининг катта инженери.

ТИЛ БОЙЛИГИ—ДИЛ БОЙЛИГИ

Кейинги вақтларда республикамизда ўзбек тилини рус, инглиз, немис француз ва бошқа тиллар билан қиёслаш борасида қатор илмий ишлар қилинди. Ана шу илмий ишлар қаторига яна бир муҳим асар қўшилди. Бу У. Юсуповнинг «Қиёсий тилшуносликнинг проблемалари» монографиясидир.

Монографиянинг кириш қисмида тилларни қиёсий ўрганишнинг аҳамияти, бу соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшган олимлар ва ҳозирги вақтда қиёсий тилшунослик назариясини ривожлантириш зарурияти ҳақида фикр юритилади. Бир тил ичида қиёслаш ва тиллараро қиёслаш ҳақида автор биринчи бобда тўхталган. Бу бобда яна типология ва қиёсий тилшунослик ўртасидаги фарқлар характерланади.

Асарнинг иккинчи бобида қиёсий тилшуносликнинг вазифалари аниқланган. Муаллиф тилларни қиёсий ўрганишнинг вазифаси илмий ишда қўйиладиган мақсадга боғлиқ эканлигини ва

БИБЛИОГРАФИЯ

тилларнинг таржима лингвофилософик, лингводидактик, назария масалаларида ва машина таржимаси мақсадларида қиёслаш мумкинлигини ишонарли равишда кўрсатади. Тиллар ўртасидаги ўхшашликларни ва фарқларни аниқлаш, ўхшаши йўқ ва фарқларнинг сабабини аниқлаш, бир тилни ўрганиш жараёнида эътибордан четда қолиб кетган тил ҳодисалари ва хусусиятларни топиш, тиллараро эквивалентлик муносабатларни аниқлашдир.

Миллий аудиторияларда рус тили ва чет тилидан дарс берувчи ўқитувчиларнинг она тили билан ўрганилаётган тил ўртасидаги бундай ўхшашлик ва фарқларни билиши уларга тил ўқитишни рационал равишда олиб бориш имконини беради.

Асардаги муҳим фактордан яна бири муаллиф томонидан олдинга сурилган тиллараро интерференция назариясидир. Муаллиф она тили билан ўрганилаётган тил ўртасидаги интерференция фақатгина она тилининг ўрганаётган тилнинг нормасини бузишга олиб келувчи таъсиригина эмас, балки она тилидан ўрганаётган тилга ўтишга тўсқинлик қилувчи таъсир ҳам эканлигини мисоллар асосида исботлайди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, монографияда айрим камчиликлар ҳам бор. Масалан, асарда морфемаларни қиёслаш методикаси кўрсатилмаган, мисолларнинг кўпчилиги чет тиллардан олинган, уларни кўпроқ рус тилидан олган маъқул эди.

Бу камчиликларга қарамай, асар катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Унда қиёсий тилшунослик назарияси анча ривожлантирилган. Асардаги кўрсатмалар амалга оширилса, миллий аудиторияларда рус тили ва чет тили ўқитиш ишлари янада яхшиланади.

А. РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори, профессор.
А. МАҚСУМОВ,
филология фанлари кандидати.

СТУДЕНТЛАР— КАПРОЛАКТАМ КОМПЛЕКСИДА

КОМСОМОЛ зарбдор объекти ҳисобланган капролактам ишлаб чиқариш комплекси қурилишида меҳнат қилаётган «пойтахтимизнинг бунёдкор студентлари орасида Тошкент электротехника-алоқа институтининг «Связист» отряди ҳам бор.

Биз, 1-курс талабаларидан ташкил топган «Связист» отряди аъзолари меҳнат семестридаги биринчи иш кунимизни бу улкан қурилишдан бошлаганимиз билан фахрланамиз. Биз келган кунимиз кираверишдаги «Ўртоқлар! Капролакатамни бутун мамлакат кутмоқда» деган барчани меҳнат жасоратига чорловчи шиорни ўқиб, қалбимизни ҳаяжон чулғаганди. Биз ёшлар буни юракдан ҳис этиб, яна ҳам жадалроқ, фидокорона меҳнат қиляпмиз.

Бизга 400-стадиядаги трубаларни ўраш, изоляциялаш ишларини топширишди. Тўғри, олдинига иш қийинга ўхшаб кўринганди. Йўқ, тезда ўрганиб кетдик. Ҳатто изоляциячи касбини севиб қолдик.

Отрядимизга институтимиз ўқитувчиси О. Катеренко командирлик қиладилар. Бу йирик қурилиш объектида отрядимизнинг 5 бригадаси ўзаро мусобақалашиб, катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Студентлардан О. Жонибеков, К. Ибрагимов, А. Бобожонов ва И. Саидовлар кунлик нормаларини ортиғи билан бажариб, шахсий меҳнат беллашувининг олдинги сафида боришмоқда.

Партиямиз Марказий Комитетининг 1980 йил июль Пленуми қарорлари бизни янги меҳнат зафарларига чорлайди. КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор ишлаб, белгиланган участкадаги изоляция ишларини муддатдан бир ҳафта олдин бажаришга, яна қўшимча бошқа майдонлардаги трубаларни ўраш, бўяш каби ишларни амалга оширишга аҳд қилдик.

Яқин кунларда янги улкан объект ишга туширилиб, у халқ хўжалиги учун зарур бўлган ҳомашёни ишлаб чиқара бошлайди.

Ш. САЛАЕВА,
Тошкент электротехника-алоқа институтининг студенти.

ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

СЕРГЕЛИ массиви эндиликдан кейин Тошкент шаҳрининг чеккасидаги оддий жойда бунёдга келган янги турар-жой даҳасидир. Ҳозир бу ерда жуда кўп аҳоли истиқомат қиляпти. Улар замонавий типда қурилган кўп қаватли турар-жой биноларида яшаяптилар. Аҳоли учун қатор маданий-маиший хизмат шохобчалари ишлаб турибди.

Бу ерда қурилиш ишлари ҳануз давом этмоқда. Қўли гул бунёдкорлар тиклаётган турар-жой бинолари бири-биридан кўркам. Суратда: янги фойдаланишга топширилган уйлар.

А. Абалян фотоси.

Адабиёт ва санъат

● ЎЗБЕК АДИБИНИНГ ШУҲРАТИ ● СОЛДАТ ОТАСИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ● ТАНИШИНГ: УСТА ОРТИҚ ФАЙЗУЛЛАЕВ ● НАЗМ ДАФТАРИДАН ● САНЪАТ ХАБАРЛАРИ ●



ЎЙМАКОР УСТА

Ортиқ Файзуллаевнинг хонадонида бўлсангиз бир нарсадан, албатта, ҳайратда қоласиз. Бу ерда бирон нарса йўққи, унинг ўзи ясамаган бўлсин. Девор ва китоб жавонлари, олти ва саккиз қирралі стол ва табуреткалар, токча ва қутичалар, ваза ва гулдонлар хонага ажиб бир нафосат бахш этиб турибди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси устанинг ўз қўлидан чиққан буюмлар...

Ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланишни О. Файзуллаев болалик чоғидан бошлаган эди. Нақш санъатига меҳр уни Н. Беньков номидаги бадиий билим юртига бошлаб келди. Бу даргоҳда у таниқли ўймакор Мақсуд ака Қосимовдан санъат сирларини ўрганди ва нақш композициялари билан яқиндан танишди. Билим юртида у устозининг ғоят бой тажрибаси ва маҳоратидан баҳраманд бўлди.

О. Файзуллаев ўзининг ижодини билим юртини тугатгандан сўнг оддий ўймакорлик буюмлари: дераза, кичик қутичалар ясашдан бошлади. Йиллар ўтди. О. Файзуллаев ўймакорлик санъати сирларини чуқурроқ ўрганди ва унинг узоқ йиллар давомидаги изланишлари ўзи ишлаган нарсаларда акс эта борди. Шу билан бир қаторда ёш устанинг ўзига хос иқтидори шаклланди. Халқ орасида уни аста-секин катта ҳурмат билан «уста» деб атай бошладилар.

Ёғоч ўймакорлигининг барча турларини пухта эгаллаган Ортиқ ўз ижодида кўпроқ ўта нафис ва эркин ўйма усулига эътиборини қаратди. «Ислимий» деб номланувчи бу усул геометрик нақшларга ўсимликлар тасвирини мужассамлаштириш билан характерланади.

Уста Ортиқ нақшли панжаралар ҳам ясай бошлади. Бу ишдаги мураккаблик ва ўзига хослик шундаки, олдиндан тайёрлаб қўйилган ёғоч бўлакларини бир-бири билан мураккаб шаклга бириктиришда мих ёки елим умуман ишлатилмайди. Кўлгина кўргазмаларда унинг юксак санъат билан яратган бетакрор геометрик нақшларга эга бўлган тўрт тавақали кўчма пардаси намойиш қилинди. Тўрт мингдан зиёд ёғоч бўлакчаларидан ташкил топган бу маҳсулот айни пайтда республика маҳаллий саноатининг амалий санъат музейига қўйилган.

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

Уста ўз изланишларида оригиналликка интилар экан, ёғоч ўймакорлигида бирор мавзуга мос сюжет яратишга тиришади. У ишлаган бир қатор безакли панноллар «Халқ усулида», «Ўзбекистон ССР гербн», «Узум терувчи қизлар», «Ўзбекистон ССР 50 ёшда», «Қизил юлдуз» каби композициялар юксак маҳорат билан ишланган.

Кейинги йилларда ёғоч ўймакорлигидан Ўзбекистоннинг архитектура иншоотларида катта муваффақият билан фойдаланилмоқда. Албатта, бу ишларда ҳам уста Ортиқ Файзуллаев актив иштирок этиб келмоқда. Хусусан, у 60-йилларда республикамиз пойтахтидаги Санъат саройи, Марказий В. И. Ленин музейининг Тошкент филиали ва «Яшил гумбаз» чойхоналарини миллий ўймакорлик санъати асосида безашда кўзга кўринарли ишларни бажарди.

Бундан ташқари ўймакор устанинг санъатидан сайқал топган столчалар, вазалар, ёғоч сувенирлар Москва, Ленинград, Киев, Рига ва Тошкент шаҳарларида ўтказилган халқ амалий санъати кўргазмаларида муваффақият билан намойиш қилинди. ГДР, ЧССР, Франция, Япония, Канада ва Ҳиндистон каби чет мамлакатларда ҳам талантли ўзбек ўймакорининг санъати юқори баҳоланди.

Уста Ортиқ Файзуллаевнинг заҳматли меҳнати ва юксак маҳорати кўпгина кўргазма ва ижодий кўрикларнинг махсус мукофотига лойиқ деб топилди. Хусусан, 1957 йилда ўтказилган ижодкор ёшларнинг биринчи республика бадиий фестивалида О. Файзуллаев лауреатлик унвонини қўлга киритиб, биринчи даражали диплом билан тақдирланди. 1960 йилда эса уста Ортиқ Москвада Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг катта кумуш медалига сазовор бўлди. 60-йилларнинг охирида эса у Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Уста О. Файзуллаев ёғоч ўймакорлигида кўпгина талантли ёш халқ усталарини тарбиялаётган мураббий ҳамдир. У П. Беньков номли Тошкент бадиий билим юртида йигирма йилдан ортиқ муддат педагоглик қилиб, бир неча ўнлаб-юзлаб ёшларга ўз санъатини ўргатди. Эндиликда бу ёшларнинг ҳаммаси Тошкентда ва республикамизнинг турли шаҳарларида унумли меҳнат қилмоқдалар.

Айни кунларда эса уста Ортиқ Файзуллаев Ўзбекистон халқ усталари бирлашмасида фаолият кўрсатиб, ўймакорларга бошчилик қилмоқда ва ўз санъати сирларини ҳормай-толмай ёшларга ўргатмоқда.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОД

ЎЗБЕКИСТОН халқ ёзувчиси Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик» романида Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашган инқилобчиларнинг ҳаёти ҳикоя қилинади. Атоқли адибнинг бу янги романи 1980 йилги Давлат мукофотига тақдим этилган.

Ҳамид Ғулом —серқирра ижодкор. Унинг шеър ва достонлари, пьеса ва ҳикоялари, роман ва публицистикаси мамлакатимиз уфқларидан ошиб, кўпгина чет тилларга ҳам таржима қилинган.

Ёзувчи ижод билан бирга ижтимоий ҳаётда ҳам фаол иштирок этмоқда. У—Тошкент шаҳар Советининг депутати. Бир неча йиллардан буён Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг директори.

Ҳ. Ғулом ўзбек совет адабиётининг ривожига салмоқли ҳисса қўшганлиги учун «Меҳнат Қизил Байроқ» ва «Ҳурмат белгиси» орденлари билан ҳам тақдирланган.

Суратда: Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом ўз ижодхонасида.

В. Ковелин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Аъло ХЎЖАЕВ

КОБУЛДА БАҲОР

Баҳор келди Кобулга, ўриклар хўп гуллади,
Маст қилгувчи ислари юракларни қитиқлар.
Шаҳар ари ниндай югаҳон кўп гувлади:
Ҳаяжонли ва қувноқ сўзлагувчи нотиқлар.

Баҳор келиб ҳур борлиқ эркин олмоқда нафас,
Атрофдаги тоғлардан кор чойшабни ўради.
Ҳанузгача сиқилган вужудларда турфа сас,
Илиқ-илиқ ҳиссиёт дилни энтиктиради.

Баҳор келди. Ва лекин оғир бўлди ўтган қиш,
Табиатнинг юришн мангудан берар дарак.
Улкан афғон элнинг бошн узра бир қуёш
Балқиб чиқди мунаввар. Энди яшамоқ керак!

Мен ўзимни излаб келдим ёнингга,—
Кўзларингдан топмоқ учун ўзимни.
Билолмадим, нелар келди ёдингга,
Олиб қочдинг менлан оқу кўзингни.
Эсласам гар, учрашганда илк бора
Қўйган эдим мен ўзимни йўқотиб.
Мени мендан айиргандинг, дилдора,—
Юрагимга югоҳингдан ўқ отиб.
Шу-шу менинг жоним туташ
жонингга,
Ярадор қалб ошён этган кўзингни.

Мен ўзимни излаб келдим ёнингга,—
Кўзларингдан топмоқ учун ўзимни.
Мендан оқу кўзларингни яширма,
Тикилайин мен ўзингга беҳадик.
Севсанг агар шубҳаларим оширма,
Кўзларимга қарай олгин доим тик...

ЮЛДУЗЛАР БЎСАСИ

Юлдузларнинг бўсасидан энтиккан
Анҳор суви титратмоқда аксимиз.
Одисларга оқиб кетди сен тиккан
Рўмолчада иккимизнинг бахсимиз.
Уринаман олмоқ учун кўнглингни,
Сен ҳам менга суқланасан атайин.
Совуққина сиғар қўлим қўлингни,
Буни қандай табиий деб айтайин.
Бўлмасди ҳеч ўзимизни бошқариб,
Хаёл отин ҳар ён миниб қочамиз.
Нимадир кам рўмолчадан ташқари...
Топмоқ бўлиб қучоғимиз очамиз.
Аммо йўқдир аввалгидек ёнишлар,
Тугагандек гўё қалбда ҳарорат.
Ҳисларимиз нега биздан тонишар,
Икки тоғдек ажратдими шарорат?..
Наҳот энди бўсалардан энтиккан
Дамларимиз ортда қолди умрбод?!
Нафасимиз туташганда—сен тиккан
Рўмолчага ўхшаб кетди самовот...
Қайтган нафас дил ўтини пуфларкан,
Қайноқ ҳисга тўлди қайта кўксимиз.
Юлдузларнинг бўсасидан энтиккан
Анҳор суви жуфталитирди аксимиз...

Эргаш МУҲАММАД.

ҚЎЛЛАРИ ГУЛ

Гиламга туширилган рангбаранг гуллар, тупроғи олтин она-юртимиз боғларининг саховати акс этган сўзаналар санъат ишқибозларини ҳамиша ҳайратга солади. Халқимизнинг асрлар бўйи авлодлан авлодга ўтиб келаётган анъаналарига меҳр халқ чеварларини шундай ажойиб санъат асарлари бунёд этишга илҳомлантириб келмоқда.

Айни кунларда Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг пойтахтимиздаги марказий кўргазмалар залида намойиш этилаётган «Ўзбекистоннинг сўзана ва гиламлари» экспозицияси ана шулардан гувоҳлик беради.

Кўргазмага қўйилган 100 дан ортиқ ишларнинг барчаси халқ талантларининг ўзига хос истеъдодини ёрқин намойиш этади. Республикамизнинг турли область ва районларида яшаб, меҳнат қилаётган чеварларнинг ишлари асрлардан бери анъанага айланган халқ амалий санъати айни пайтларда ҳам ҳар тарафлама ривожланиб бораётганини кўрсатади. Областимиз чеварларининг маҳсулотларида анъанавийлик билан замонавийлик пайваста бўлиб кетганини кузатиш мумкин.

Бу ўзига хос кўргазма партия ва ҳукуматимизнинг халқ амалий санъати ривожига ва халқ талантларига кўрсатаётган улкан ғамхўрлигининг амалий натижасидир.

Кўнгилларга завқ бағишлар рақҳоса қиз санъати...

ЎзТАГ фотохроникаси.

У КУНЛАР ЁДИ

Мағрурман, яширмасман ҳеч вақт, ҳеч қачон, —
Юзимда ўқларнинг изи қолгандир.
Жанг қилиш бизга ҳеч бўлмаган асон,
Не-не ғам-аламда нафас олгандик.
Ҳар ёнда ваҳшийлик, азоб-уқубат, —
Вайрона шаҳарлар учрарди қатор.
Фашистлар қилмасди ҳеч бир мурувват,
Шунинг-чун газабга тўлгандик такрор.
Кўрганман, кексалар оҳ-фарёдини,
Кўрганман, гўдаклар кўзларида ёш,
Муштлнар оналар важоҳатини
Кўрганман, не қилай, берганман бардош.
Чунки мен сен учун эй, она-Ватан
Одамхўр душман-ла жанглар қилганман,
Минг-минглаб солдатдек эркинга пасбон
Бўлиб, тупроғингдан ёвни қувганман.
Асло унутмасман ўтган дамларни,
У машъум онларни кечирмас инсон.
Сақлаймиз тинчликни, ширин онларни,
Бўлмасин урушлар ҳеч вақт, ҳеч қачон.
Мафтунман, бу аёлим сафдошлар билан
Ватан чиройига, ҳаёт кўркига,
Партиям, минг раҳмат, сенга шараф-шон,
Сен ўзинг посбонсан халқлар эркига!

Усмон МУСОҚОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

БОЛАЛАРГА ЎҚИБ БЕРИНГ

ҚОВУН ТАНЛАШ

Бозор тўла ҳар хил қовун,
Бир-биридан сарҳил қовун.
Мен ва Карим—икки
ўртоқ,
Қай бирини олсак, дея,
Қовун сайлаб турдик узоқ.
Ўйлаб-ўйлаб қотди миям.
Оғайнимда тутар тоқат,—
«Ўйламоққа бормн
ҳожат?».
Оламиз деб биттасини,
Танлади энг каттасини.
Мақтаниб дер:—Қара,
ошнам,
Сиғмас ҳатто қучоққа ҳам.
Чиройлидир, пўсти йўл-
йўл,
Гўё рассом солгандай гул.
Жилвз қилиб нақ қуёшда,
Кўз оларди бир қарашда.
Энди-чи, сен танла Омон,
Деди боқди менга томон.
Зеҳн солиб туриб бундоқ,
Эзилган ва кичкинароқ
Босволдини танлаб олдим.
(Маза қилиб евдим олдин).
— Дидинг паст,—деб
Карим эса
Масхаралаб қулди роса.
Қовунларни олиб қўлга,
Икки ўртоқ тушдик йўлга.
Ўз қовунин сўйди Карим,
Карж-карж қилиб қўйди
Карим.
Қани, ейи десак озроқ,
Туз сепгандай шўртаъм
шундоқ.
Босволдига ҳам келди гал,
Сўйсам, чиқди худди асал.
Каримжонга дедим қараб:
—Кўринишда эканми гап?

Рауф ТОЛИБ.

ЎЙИНЧОҚЛАР

ҲИКОЯ

Эрталабки салқинликни аста суриб, ёз қуёши қиздириб бораяпти. Эндигина чумак ура бошлаган узум остидаги сўрида Мадат бобо қаншарига юмалоқ кўзойнак тақиб, газетани ҳижжалаб чой хўплаб ўтирибди. Кампирнинг ўнг қўлида пиёла, чап қўлида чилвир ип. Баланд қилиб кўтарилган ишкомларда узумлар шокила-шокила бўлиб турибди. Сур чумчуқлар сув олган узумларга ҳамла қилади. Кампир қўлидаги чилвир ипни тортиб ясама қўнғироқларни ғалдиратади. Чумчуқлар нари учиб янги ҳамлага тайёргарлик кўради. Хонтахтанинг бир чеккасидаги транзистордан сато навоси таралмоқда.

— Дунёда қандай бахтли одамлар бор-а, — деди Мадат бобо чеҳрасидан нур ёғилиб.

— Нима, ким? — деди кампир ҳеч нарсага тушунмай. Яна чилвир ипни тортди.

— Кўп данғиллатавурма! Маъвосини эшит! — деди бобо бироз жеркиб кўзойнак тепасидан боқаркан. — Чумчуқлардан қолгани ҳам иккимиз тугул бутун маҳаллага етиб ортади. У силкиниб жойига яхши ўрнашиб олди. — Яқинда икки ака-ука ўттиз беш йилдан кейин яна дийдор кўришибди. Лаънати уруш иккаласини икки ёққа улоқтирган экан...

Кампир дока рўмолининг учини ботиқ кўзларига босди. Бобо чуқур нафас олиб, чўзиб «Ҳа» деб қўйди. Унинг шу узун «Ҳа» дейишида бутун тортган азоб-уқубатлари, ким биландир қайта дийдор кўришиш умиди борлигини сезиш қийин эмас эди.

Уларнинг узоқ жим қолишганидан фойдаланган чумчуқлар яна навбатдаги ҳужумга ўтишди.

Шу пайт кўча эшик ғийқиллаб очилди. Йўлакда одмигина кийинган, бошига гулли дуррача танғиб олган ўрта ёшлардаги аёл кўринди.

— Вой айланай, кел қоқиндиқ, келавер, — деди кампир унинг истиқболига пешвоз чиқаркан.

— Нафақаларингизни олиб келгандим, — у қоғозга кўл қўйдириб, пул узатди.

— Робиябон қизим, манависига болаларга ширинлик олиб бергин — кампир бир сўмликни эпчиллик билан унинг чўнтагига солиб қўйди.

— Қўйсангиз-чи бувижон, доим шунақа қиласиз.

— Хечқиси йўқ қоқиндиқ, бизники таварик.

— Хайр, соғ бўлинглар,— деб у тезгина чиқиб кетди.

Кампир қизни эшиккача кузатиб, келиб жойига ўтирди.

— Доим шунақа қилиб бояқишни уялтирасан. Ниме, у сенинг бир сўмингга зормн? Ахир давлат унга мояна тўлайди-ку?!.

— Ҳа, нима қилибди.

— Яна нима қилибдимиш. Кеча магазинчини кампит устига бир танга қўйиб берувчи, яшамагур, деб жавраб келгандинг. Ҳозир эса бир сўмни унга бериб юбораяпсан. Шунақа қилиб одам-одамни бузади-да. Уша магазинчига ҳам кимдир бир-икки тийин ташлаб кетган, энди эса у уялмай-нетмай биттангандан ёғоч сувенирлар Москва, Ленинград, Киев, Рига ва Тошкент шаҳарларида ўтказилган халқ амалий санъати кўргазмаларида муваффақият билан намойиш қилинди. ГДР, ЧССР, Франция, Япония, Канада ва Ҳиндистон каби чет мамлакатларда ҳам талантли ўзбек ўймакорининг санъати юқори баҳоланди.

Уста Ортиқ Файзуллаевнинг заҳматли меҳнати ва юксак маҳорати кўпгина кўргазма ва ижодий кўрикларнинг махсус мукофотига лойиқ деб топилди. Хусусан, 1957 йилда ўтказилган ижодкор ёшларнинг биринчи республика бадиий фестивалида О. Файзуллаев лауреатлик унвонини қўлга киритиб, биринчи даражали диплом билан тақдирланди. 1960 йилда эса уста Ортиқ Москвада Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг катта кумуш медалига сазовор бўлди. 60-йилларнинг охирида эса у Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Уста О. Файзуллаев ёғоч ўймакорлигида кўпгина талантли ёш халқ усталарини тарбиялаётган мураббий ҳамдир. У П. Беньков номли Тошкент бадиий билим юртида йигирма йилдан ортиқ муддат педагоглик қилиб, бир неча ўнлаб-юзлаб ёшларга ўз санъатини ўргатди. Эндиликда бу ёшларнинг ҳаммаси Тошкентда ва республикамизнинг турли шаҳарларида унумли меҳнат қилмоқдалар.

Айни кунларда эса уста Ортиқ Файзуллаев Ўзбекистон халқ усталари бирлашмасида фаолият кўрсатиб, ўймакорларга бошчилик қилмоқда ва ўз санъати сирларини ҳормай-толмай ёшларга ўргатмоқда.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

ОНА ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Сассиз қўшиқ жарангламас
Сукунатнинг қўйнида...
Шуъла сочган қўллари
Олов қуёш бўйнида.
Ҳовуч-ҳовуч нур тўкиб
Қайноқ бағрин очади.
Ўйга чўмган замнига
Ҳаёт донин сочади.
Нон уради ҳали у
Талпинади кўк сари.
Қўлларини узатар
Жажжи гўдак сингари.
Бошн узра кўтарар,
Бошоқларни дон дея.
Қайноқ қуёш тандирда
Ширмой ёпар онажон,
Замин каби азизу
Замин каби иссиқ нон...
Онагинам қўлларин
Силар эмиш бу қўшиқ.
Юраги, тилагини
Силар эмиш бу қўшиқ,
Қават-қават ажинлар
Ёзув эмиш, хат эмиш.
Сукунатга айланган
Эзгулик, ҳаёт эмиш.
Ажинларни ўқиб у
Оқ сочига қўнади.
Орзу бўлиб қолади,
Кўзларида ёнади —
Бўронларда яралган
Сукунат қўшиқлари,
Туғёнларда яралган
Сукунат қўшиқлари...
Сассиз — қўшиқ
жаранглаб
Фазоларда учадир.
Қуёш ва куй онамни
Маҳкам-маҳкам қучадир.

ИШҚ ЙЎЛИ

Висолни дунёда яратди одам,
Фироқни ҳам ўзи айлади бунёд.
Висол қувончидан яйраса олам,
Айрилиқ дардидан чекади фарёд.
Висол ва фироқнинг боши муҳаббат,
Дунёда иккови — икки минтақа.
Иккови яшайди абадул-абад
Иккови бир-бирин эшгани қоқар!

Абдулҳай НОСИРОВ.

Эрталабки салқинликни аста суриб, ёз қуёши қиздириб бораяпти. Эндигина чумак ура бошлаган узум остидаги сўрида Мадат бобо қаншарига юмалоқ кўзойнак тақиб, газетани ҳижжалаб чой хўплаб ўтирибди. Кампирнинг ўнг қўлида пиёла, чап қўлида чилвир ип. Баланд қилиб кўтарилган ишкомларда узумлар шокила-шокила бўлиб турибди. Сур чумчуқлар сув олган узумларга ҳамла қилади. Кампир қўлидаги чилвир ипни тортиб ясама қўнғироқларни ғалдиратади. Чумчуқлар нари учиб янги ҳамлага тайёргарлик кўради. Хонтахтанинг бир чеккасидаги транзистордан сато навоси таралмоқда.

— Дунёда қандай бахтли одамлар бор-а, — деди Мадат бобо чеҳрасидан нур ёғилиб.

— Нима, ким? — деди кампир ҳеч нарсага тушунмай. Яна чилвир ипни тортди.

— Кўп данғиллатавурма! Маъвосини эшит! — деди бобо бироз жеркиб кўзойнак тепасидан боқаркан. — Чумчуқлардан қолгани ҳам иккимиз тугул бутун маҳаллага етиб ортади. У силкиниб жойига яхши ўрнашиб олди. — Яқинда икки ака-ука ўттиз беш йилдан кейин яна дийдор кўришибди. Лаънати уруш иккаласини икки ёққа улоқтирган экан...

Кампир дока рўмолининг учини ботиқ кўзларига босди. Бобо чуқур нафас олиб, чўзиб «Ҳа» деб қўйди. Унинг шу узун «Ҳа» дейишида бутун тортган азоб-уқубатлари, ким биландир қайта дийдор кўришиш умиди борлигини сезиш қийин эмас эди.

Уларнинг узоқ жим қолишганидан фойдаланган чумчуқлар яна навбатдаги ҳужумга ўтишди.

Шу пайт кўча эшик ғийқиллаб очилди. Йўлакда одмигина кийинган, бошига гулли дуррача танғиб олган ўрта ёшлардаги аёл кўринди.

— Вой айланай, кел қоқиндиқ, келавер, — деди кампир унинг истиқболига пешвоз чиқаркан.

— Нафақаларингизни олиб келгандим, — у қоғозга кўл қўйдириб, пул узатди.

— Робиябон қизим, манависига болаларга ширинлик олиб бергин — кампир бир сўмликни эпчиллик билан унинг чўнтагига солиб қўйди.

— Қўйсангиз-чи бувижон, доим шунақа қиласиз.

— Хечқиси йўқ қоқиндиқ, бизники таварик.

— Хайр, соғ бўлинглар,— деб у тезгина чиқиб кетди.

Кампир қизни эшиккача кузатиб, келиб жойига ўтирди.

— Доим шунақа қилиб бояқишни уялтирасан. Ниме, у сенинг бир сўмингга зормн? Ахир давлат унга мояна тўлайди-ку?!.

— Ҳа, нима қилибди.

— Яна нима қилибдимиш. Кеча магазинчини кампит устига бир танга қўйиб берувчи, яшамагур, деб жавраб келгандинг. Ҳозир эса бир сўмни унга бериб юбораяпсан. Шунақа қилиб одам-одамни бузади-да. Уша магазинчига ҳам кимдир бир-икки тийин ташлаб кетган, энди эса у уялмай-нетмай биттангандан уриб қоляпти.

— Оббо, яна ваъзхонлик...

— Э, санга гап маъкуллаганча, — деб чол яна газета ўқишга тутинди.

Кампир жахл билан ипни тортди. Орага яна жимлик чўкди.

— Ўктам, — юмшоққина қилиб яна гап бошлади кампир.

Улар бир-бирларига муросажат қилишганда, таомил бўйича якка-ёлғиз ўғилларининг исми билан чақиришарди.

— Нима дейсан, — деди чол енгил тортиб. Икки орага ўғил исми аралашиб боягн дилхираликдан асар ҳам қолмади.

— Бундай, боягини овоз чиқариб ўқиб берсангчи, — деди кампир газетага имо қилиб.

— Ўзинг ўқий қол. Сен ҳам менга ўхшаб саводингни чиқаргансан-ку. Мен кўчага чиқиб бир айланиб келай. Омин... — Юзига фотиҳа тортди. Нафақа пулидан ўн сўм олиб, қолганини хонтахта устида қолдирди.

— Яна ўша жойгами?

Чол енгилгина томоқ қирлоқчи эди, йўтал тутди.

Мадат бобо кўчага чиқиб эшик олдидаги, ниҳолтда катталашиб кетган кўркам сада дарахтига кўзи тушди. Юраги орзиқиб кетди. Дарахт остида ўйнаб юрган болалар унга бараварига салом беришди. Кейин яна ҳаммаси ўзи билан ўзи овора бўлиб кетишди. Уйинчоқ — автомат кўтариб олган бола ўзидан пастроқ машина етаклаган болага деди:

— Сада дегин?

— Сада!

— Ман санга дада, — деди керилиб.

Мадат бобо бир шодон болаларга, бир салобатли садага қараб йўлида давом этди.

— Шунақа: кун чиқар, қош қорайр, вақт ўтаверар экан. Мана, ўғлимнинг сада ўтказиб кетганига ҳам ўттиз етти йил бўлибди. Ўзи ҳам заб йигит бўлиб етишаётганди.

Бобо ўйинчоқларни қўлтиқлаб йўлга тушди. Боя келаётганида йўл чеккасидаги «Москвича машинасининг капотини очиб, икки ёш йигитча қўлларн мой жиғибийрон бўлиб машинани юргизе олмай турганларини кўриб ўтганди. Бобо энди бепарво ўтиб кетолмай уларга яқинлашди.

— Нима, юрмайман, деяптими, болларим.

Иккаласи ҳам бобо гапига эътибор қилмай машинага ўрнишди. Бобо бир пас улар ҳаракатини зимдан кузатиб турди. Капотга яқин бориб энгашди, йўл-йўл кўйлакли болага:

— Мана буни ушлаб тур,— деб ўроқлиқ ўйинчоқни тутқазди.

Йигитча ҳам индамай уни қўлига олиб, чолга елкасини ўқирий қаради.

— Қани, сен насосни олиб кел-чи, — деди буйруқ оҳангида теппасида серрайиб турган бадқовоқ йигитга.

У зингиллаганча орқа багажникдан насосни олиб, чолга тутқазди. Бобо насос ичагини карбюраторга тиқиб, бир неча бор дам берди. Ниманидир олиб тозалади, маҳкамлади.

— Қани энди юргазиб кўрчи. — деди мойли қўлини латтага артаркан.

Йигитча «аҳа» деди-да, ниш сотувчи қиз бобони кўриб майин жилмайди.

— Ассалому алайкум, бобо. Мана янги ўйинчоқ келган. Ўзи юрар «танк». Қиз «танк»ни олиб кўрсатиб, мурувватини бураб, пештахта устига қўйиб юборди. «Танк» ғилдираб юриб, унда-бунда тўп отгандай «пиқ-пиқ» қилиб овоз чиқарди.

— Йўқ қизим, буниси бўлмайди. Мени бунақа ўйинчоқларга ҳушим йўқроқ.

— Бўлмаса, мана бу «ўрдакча»ларни олинг. Мурувватини бураб, сувли тоғорага қўйсангиз ўзи сузиб, ғағиллайди.

— Умрингдан барака топ, қизим. Бу бошқа гап. Ураб бер.

Тезда машина ичига кириб, педални босди. Машина бирикки ғиғиллаб, ишлаб кетди. Бобо кулимсираб, йўл-йўл кўйлакли йигитчанинг қўлидан ўралган ўйинчоқни олиб, кета бошлади. Бадқовоқ йигитнинг чеҳраси ёришиб, машинадан чаққонлик билан чиқиб, қичқирди:

— Буважон, олиб бориб қўямиз.

— Қуллуқ ўғилларим, ўйим яқин.

— Раҳмат, буважон, набираларингиз биздай бўлишсин.

Мадат бобо ҳовлига кириб келганида кампир кўринмади. Тўғридаги уй томон юриб, равондан кичик хона томон ўтди. Доимо қулф туриладиган уйнинг қулфи зулфида осилиб турибди. Томоқ қириб секин ичкарига кирди. Хона ўртасида кампир деворга осилиқ расмга тикилиб турарди. Чеккадан кириб қолган кишининг бу ердаги турли хил ўйинчоқларни кўриб оғзи очилиб қолиши турган гап эди. Негаки, хона турли кўғирчоқ ва ўйинчоқларга тўлган эди, оёқ босар жой йўқдек. Бобо бу ўйинчоқларни ўғлининг бир минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йил кузида юборган охирги хатидан кейин биққан. Бу турли йилларни ўзида акс эттирган, ўттиз олти йил давомида йиғилган ўйинчоқ ва кўғирчоқлар эди.

— Яна олиб келдингизми! — деди кампир кўз ёшларини яширмоқчи бўлгандай кулимсираб.

— Ҳа, буниси жуда антиқа экан. «Ўрдакча»ларнинг мурувватини бураб, сувли тоғорага қўйиб юборсанг, сузиб ғағиллармиш.

— Кампир қоғозни очиб, «ўрдакча»ларни эҳтиётлаб бир чеккага қўйди.

— Ўктам, — деди кампир. — Ўғлимиз келиб қолармикан-а?!

— Албатта, келади. Ахир ўзинг биласан-ку. Ўғлимиз охирги хатида оғир яраланганлигини, уни бир бўлғор қизи топиб шифолаганлигини, шундан кейин бўлғор партизанларига қўшилганлигини ёзган эди. Ўғлимиз, албатта, келади. Бир ўзи эмас, набира, чевараларимиз билан келади. Ўшанда биз йиллаб йиққан мана бу ўйинчоқларни невара-чевараларимиз, албатта, ўйнашади. Буларни ўғлимиз ҳам қўлига олади...

Мен бунга ишонаман.

Ҳабибулла АБДУЛЛАЕВ.

„МИНГЧИНОР"ДА МУШОИРА

Бўка районидаги Мингчинор боғига тез-тез ёзувчи ва санъаткорлар меҳмон бўлиб келишади. Бу ерда район меҳнаткашларининг таниқли шоир ва ёзувчилар, халқимиз эътиборини қозонаётган санъаткорлар билан маромқли учрашувлари анъанага айланиб қолган.

Яқинда Мингчинорда яна бир қизиқарли кеча бўлиб ўтди. Пахтакорлар ҳузурига Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениесининг секретари Нормурод Нарзуллаев бошчилигидаги бир гуруҳ қаламкашлар меҳмон бўлиб келдилар.

Бўка район партия комитетининг биринчи секретари Т. Исломов меҳмонларга бўкаликларнинг беш йиллик якуновчи йилидаги меҳнат зафарлари ва КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун олиб борилаётган ишларини сўзлаб берди.

Ўз навбатида Н. Нарзуллаев республикамиз ёзувчиларининг VIII съезди арафасида қалам аҳлининг бу улкан анжуманни муносиб ютуқлар билан қарши олишаётганини ҳикоя қилди.

Сўнгра мушоира бошланди. Шоирлардан Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Ҳ. Шарипов, Муҳаммад Али, Г. Жўраева, Пўлат Мўмин, Сайёр ва бошқалар Ватан, партия ва пахтакорлар жасоратини мадҳ этувчи шеърларини ўқиб бердилар. Мушоира қўшиқ ва рақсларга уланиб кетди.

ГАЗЕТХОНЛАР ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОВРИНДОР ФИЛЬМ

Ўзбек киносанъаткорлари томонидан кейинги йилларда яратилган бадиий лентадардан айримлари Иттифоқ миқёсида ҳам кенг танилди. Истеъдодли кинорежиссёр Қ. Камолова раҳбарлигида суратга олинган «Аччиқ данак» фильми ҳам ўзига яшил йўл топди.

Болалар ҳаётидан олиб ёзилган сценарий асосида тайёрланган мазкур поэтик лента Халқаро кинофестивалда юқори баҳо олган эди. Унинг яратилиши, роллар ижроси хусусида йирик мутахассислар яхши фикрлар билдиришди.

«Ўзбекфильм» киностудиясининг маҳсулоти бўлган мазкур лента нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКОнинг эътиборини ҳам ўзига тортди. «Аччиқ данак» фильми ЮНЕСКО мукофотига сазовор бўлди.

А. АКБАРОВ.

САЁҲАТ-РОҲАТ

Яхши дам-меҳнатга ҳамдам, дейди халқимиз. Бунга амал қилаётган бадиий буюмлар фабрикасида ишчиларнинг меҳнатдан сўнг мароқли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шу кунгача 15 нафар ишчи «Кумушкон»га, «Сўқоқ», «Октябрь 10 йиллиги» дам олиш уйларида мириқиб дам олиб қайтдилар. 23 нафар Чимён, Чортоқ, Сочи, Есентуки, Чинобод каби баҳаво санаторийларида дам олиб жўшқин меҳнат қучоғига қайтдилар.

Фабрика ишчилари орасида турпэмга қизиқувчилар ҳам кўп. Яқинда 25 нафар туристик йўлланма билан Шимолий Осетия, Ленинград, Волга бўйлаб ва бошқа хушманзара ва кўркам шаҳарлар бўйлаб саёҳатга бордилар. Шунингдек, бир кунлик йўлланмалар билан 150 нафар Ҳамсон, Оқтош дам олиш уйларида ҳордиқ чиқардилар.

Фабриканинг 90 нафарси 3 кунлик йўлланма билан республикамизнинг қадимий шаҳарлари Самарқанд, Хива ва Бухорони кўриб қайтдилар.

Келгуси ойда 8 нафар ишчи Чехословакия республикасининг диққатга сазовор шаҳарлари, ўқув юртлари, корхоналарида бўлиб, ҳордиқ чиқарадилар, — дейди фабрика касаба союз комитети раиси М. Самидова.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

«ПРОМЕТЕЙ-80»

Чирчиқ индустриал техникумининг талабалари ҳар йили ёзги семестрларини меҳнат қучоғида ўтказишади. Ўтган йили студентлар меҳнат семестрларида 60 минг ўрнига 116 минг сўмлик иш бажариб, ўрта махсус билим юртлари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб бўлишганди.

Бу йил ҳам «Прометей—80» аъзолари мавсумни яхши бошлашди. Улар шу кунларда 160-«Чирчиққилстрой» қурилиш трестининг участкаларида меҳнат қилиб, кунлик нормаларини бирнеча бор ортиғи билан бажаришга эришмоқдалар.

Э. РИЖИКОВА.

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Тошкентда ёш авлодга ғамхўрликни кучайтириш мақсадида янги шифохоналар эшиклари очиляпти. Уларнинг бири Ҳамза районида ишга туширилган стоматология поликлиникасидир. Бу медицина муассасаси шаҳардаги ана шундай даволаш муассасаларининг тўртинчиси ҳисобланади.

Бу ерда болаларнинг саломатлигини яхшилаш мақсадида, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган турли кабинет ва рентген ишлаб турибди. Ғамхўрликдан кичкинтойлар мамнун.

А. ПЎЛАТОВ.

Шунингдек, редакциямизга Бўка районидан Ю. Анорбоев, ҳарбий хизматчилар З. Исроилов, Е. Ивановлар ҳам турли мавзуларда хатхабарлар йўллашган.

СТУДЕНТ-ҚУРИЛИШ ОТРЯДЛАРИДА

ЁШЛАР ЖАСОРАТИ

ҲАР йили ёз пайтида мамлакатимизнинг энг зарбдор қурилишларида ўзбекча сўзлашувлар қулоққа чалинади. Шўрва, палов каби миллий таомларнинг мазали ҳиди димоқни қитиқлайди. Бу ҳол совет студентларининг ватанпарварлик ҳаракати — студент-қурилиш отрядлари билан боғлиқ.

Тошкентда ўқиётган 12 мингдан ортиқ студент қурилиш отрядлари сафида меҳнат қилиб ҳар йили 20 миллион сўмга яқин капитал маблағни ўзлаштирмоқда. Сибирдаги Тюмень, Ноқоратупроқ зонадаги Новгород ва Иваново областлари, Олтой ўлкаси, Еқутистон, Красноярск ўрмонлари, Жиззах ва Қарши чўллари, Гагарин шаҳри қурилиши... Тошкент олий ўқув юртларида шакллантирилган студент-қурилиш отрядларининг меҳнат географиясида бу йилги мавсумда ана шу ерлар белгиланган.

Тошкентлик студентларнинг ҳар соҳада ўрнак кўрсатиш, янги-янги ташаббуслар билан чиқиши анъанага айланиб қолган. Тошкент педагогика, медицина, фармацевтика ва транспорт инженерлари институтларининг отрядлари учинчи меҳнат семестри давридз. «Болаларга қувонч ҳадя этайлик!» операциясида иштирок этдилар. Талабалар жамоатчилик асосида пойтахтдаги болалар уйларига оталик ёрдами кўрсатишди.

Совет халқи Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонган ғалабанинг 35 йиллиги муносабати билан студентбунёдкорлар «Бурч» операциясини ўтказдилар. Шаҳид кетган қаҳрамонлар хотирасини эслатувчи обидаларни ремонт қилиш, номи номаълум жангчиларни аниқлаб, собиқ фронтчилар билан мулоқотлар уюштириш, уруш ва меҳнат ветеранларидан 300 нафарига комсомол оталиғи ёрдами кўрсатиш—операциянинг асосий мазмунини ташкил этиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта роль ўйнаши, шубҳасиз.

Комсомол комитетларининг олий ўқув юртлари партия ташкилотлари тасдиқлаган планларига мувофиқ ўқув даври тарбиявий ишлар комплекси меҳнат семестридаги ғоявий-сиёсий, ахлоқий маданий тарбия тадбирлари билан боғланиши катта аҳамиятга эга. Студентлар отрядида йигит-қизлар шахс сифатида шаклланиб, ишлаб чиқариш жараёнидаги реал шароитда улғаядилар, камолотга эришадилар. Шу мақсадда Тошкент шаҳар комсомол комитети шаҳар студент-қурилиш отрядлари штаби билан биргаликда ташкилий-сиёсий ишлар комплекси планини тузиб, уни изчил амалга оширмоқдалар.

— Бу йилги меҳнат семестри, — дейди Ф. Энгельс номли Тошкент чет тиллар давлат педагогика институти немис тили факультети талабаларидан ташкил топган «Интернационал» отрядининг командири Г. Усмонов,— уч шонли сана — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги, Ғалабанинг 35 йиллиги ва Москвада ўтказилган XXII Олимпиада ўйинларига бағишланган тадбирлар билан тўлиқ. Дарвоқе, Бутуниттифоқ студентлар қурилиш отрядига бу йил «Ғалабанинг 35 йиллиги» номи берилган. Отрядимиз Тошкент шаҳар 2-уйсозлик комбинати билан 60 минг сўмлик иш бажариш юзасидан шартнома тузди. 50 жангчидан иборат отрядимиз коллективи мажбуриятдаги иш ҳажмини бажаришдан ташқари, «Ватан йўллари» меҳнат ҳаракатида қатнашиб, йўл ва кўчаларни тузатиб ободонлаштирмоқдалар. Мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши курашаётган мамлакатлар ёшлари ва болалар билан бирдамлик ҳафтасида иштирок этиб, зарбдор меҳнат кунини ўтказдилар. Бундай зарбдор меҳнат кунлари жангчилар Гагарин шаҳри қурилиши фонди, Вьетнам, Лаос, Кампучия халқларига ёрдам фондига ишладилар.

Ана шундай режалар ҳақида Тюменга йўл олган ТошДУ, Новгородга борган халқ хўжалик ва медицина институтлари, Қарши чўли ва Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозига бораётган педагогика институти студент отрядлари жангчиларининг мароқ билан сўзлаб беришди.

Пойтахт студентларидан 4600 киши Тошкент шаҳри зарбдор қурилиш объектларида ишлашмоқда. Улкан кинотеатр зали, телевизион минора, «Москва» меҳмонхонаси, метрополитен, шаҳарнинг Қорасув, Юнусобод, Қорақамиш ва бошқа массивларидаги турар-жой, мактаблар, боғчалар қурилишида ўқинчи семестр синовидан ўтиб, пойтахтни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантиришга муносиб ҳисса қўшадилар.

А. АБДУБАННОПОВ.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ОЗАРБАЙЖОН ССР. Ленкоран районидаги «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли фақат мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам маълум ва машҳурдир. Бу ансамбль коллективи Польшанинг Закопане шаҳрида ўтказилган фестивалнинг «Олтин болтача» мукофотига сазовор бўлди.



ТОЖИКИСТОН ССР. Норак ГЭСининг барча 9 агрегати муддатидан бармақт ишга туширилди. Гидроэлектростанция лойиҳада белгиланган 2 миллион 700 минг киловатт электр энергияси ишлаб чиқара бошлади. Суратда: Норак ГЭСининг умумий кўриниши.

ЛИТВА ССР. «Кауно балдай» ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатимиздаги мебель саноатида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли-туман мебеллар аҳоли эътиборини қозонган. Суратда: давлат Сифат белгисига сазовор бўлган меҳмонхона йиғмаси.

В. Гулевич ва М. Чиангуров фотолари. ТАСС фотохроникаси.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН 21-СОН ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1980—81 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлайди.

Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул иссиқ овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фото тўгарак, футбол,волейбол,баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлаб туради. Алоқида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш муддати 1 ва 3 йил, 3 йиллик группаларга 8-синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10-синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУЙИДАГИ КАСБЛАРНИ ЭГАЛЛАШИНГИЗ МУМКИН: кичик ветеринар фельдшер, чорвачилик фермаси механизатори, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар, автослесарь, кенг ихтисосли тракторчи-машинистлар. Шоферлик, автослесарлик-тракторчилик гувоҳномалари ҳам берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, 8 ёки 10-синфни битирганлик ҳақида шаҳодатнома ёки аттестат, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, 8 дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат, ота-онасининг иш жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Геофизика» посёлкаси (1, 16, 24-автобусларнинг, «Троицкий муолиши» бекати. Луначарский шоссесидаги «Центр» бекатидан «Тошкент—Ченгельди», «Тошкент—Тузель» автобусларининг «Геофизика» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети БЕКТЕМИР ШАҲРИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН 218-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1980—81 ўқув йилига ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Токарь (ўқиш муддати—1-3 йил), **слесарь-сантехник** (1 йил), **фрезерчи** (2 йил), **электр пайвандчи** (3 йил), **ускуналар бўйича ремонтчи-слесарь** (1 йил), **пўлат қуювчи** (1 йил), **металл конструкцияларини тайёрлаш бўйича слесарь** (2 йил), **ёритиш** ва ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчи (2-3 йил).

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул иссиқ овқат, кийим ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Узоқдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, саккиз йиллик маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 18.00 ГАЧА ЭСРШП МАРКАЗИЙ БАЗАСИДАГИ ЎҚУВ КОРПУСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: ўрта Чирчиқ райони, Бектемир шаҳри, Лихачев кўчаси, 13-уй (Автобуслар: Тўйтепа—Тошкент, Вокзал—РТС маршрутларининг «9-автобаза» бекати).

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

● АММОН. Иорданиянинг тўққизта касаба союз ташкилоти ва уюшмаси раҳбарлари бир қанча халқаро ташкилотларга телеграмма йўллаб, Исроилнинг «Нафха» қамоқхонасида азоб чекиб ётган фаластинлик тутқинларни ҳимоя қилишга чақирди. Исроиллик зиндонбонларнинг шу қамоқхона маҳбуслари билан инсон қадр-қимматини камситадиган даражада шафқатсизларча муомала қилиши ватанпарварларни очлик эълон қилишга мажбур этди, шунинг натижасида фаластинликлардан икки киши ҳалок бўлди, дейилади халқаро қизил крестга БМТнинг инсон ҳуқуқлари комиссиясига, халқаро демократик юристлар уюшмасига юборилган телеграммаларда.

Мактубда шу ташкилотларга мурожаат этилиб, «Нафха» панжараси орқасида ва Исроилдаги бошқа қамоқхоналарга ташланган фаластинлик ватанпарварларнинг қисматини енгиллаштириш учун ҳолисона текшириш ўтказишда ёрдам беришга даъват этилади.

● БАҒДОД. Араб журналистлари федерацияси Камол Нассор номидаги махсус мукофотни таъсис этди. Бу мукофот Фаластин муаммосига бағишланган ва сионизмнинг агрессив моҳиятини фош қиладиган энг яхши материаллар учун чет эл журналистларига топширилади. Мукофот Фаластин қаршилик ҳаракатининг таниқли арбоби, 1973 йил апрелида Байрутда исроиллик газанда қўлида ҳалок бўлган Камол Нассор номи билан аталган.

● ҚОБУЛ. Афғонистон демократик хотин-қизлар ташкилоти активларининг биринчи семинари бўлди. Мамлакат аёл аҳолисининг турли қатламлари вакиллари иштирокида ўтаётган семинарнинг мақсади ташкилот ишининг ташкилий принципларини ишлаб чиқаришдан, хотин-қизларни янги жамият қурилишида актив қатнашишга жалб этишдан иборат. АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари Бабрак Кармал хотин-қизлар активларининг семинарига табрикнома йўллади.

● ДАМАШҚ. Суриядаги «мусулмон биродарлар» деб аталган ўнг экстремист террорчилар ташкилоти қуроли операцияларининг раҳбари Хишам Жомбоз ва унинг тўрт нафар ёрдамчиси ўлдирилди. Сурия хавфсизлик органлари «мусулмон биродарлар» ташкилотининг Хомс шаҳридаги қароргоҳини тугатиш юзасидан муваффақиятли операция ўтказиш вақтида шу воқеа содир бўлди. Газандалар уясида террорчилик ҳаракати қилишга мўлжалланган ўқ отиш қуроли, ўқ дорн ва портловчи моддалар сақланадиган катта омбор топилди.

● АНҚАРА. 1973 йил майида СССРнинг иқтисодий ва техникавий кўмаги билан қурилган Измир яқинидаги Алиоға нефти қайта ишлаш заводини кенгайтириш мақсадида тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Яқинда Совет ва Туркия вакиллари у ерда имзолаган шартномага мувофиқ йилига 5 миллион тонна хом нефтни қайта ишлашга мўлжалланган бу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини икки ҳисса кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Анатолия агентлигининг хабар қилишича, Совет Иттифоқидан Алиоға портига заводни реконструкция қилиш учун зарур бўлган дастлабки қурилиш материаллари келтирилди.

● ИСЛОМОБОД. Ер юзидаги энг қадимий маданиятлардан бири— Хараппа маданиятининг масканида Мохенжо—Доро районидаги археология қазишмаларининг бундан буёнги тақдири Покистон жамоатчилигини жуда ташвишга солмоқда.

Қадимий қазишмалар жойида вужудга келтирилган очиқ археология музейи неча ўн йиллардан бери ер қуррасининг ҳар хил жойларидан келган туристлар эътиборини ўзига тортмоқда. Покистон территориясининг қудратли Ҳинд дарёси водийсида жойлашган ноёб қадимий ёдгорликлари салкам 60 квадрат километр майдонни ишғол қилади. Уларнинг ёши тўрт минг йилдан ошади. Аммо улар вақт ўтиши билан, жазирама офтоб, шамол ва ёмғир таъсирида емирилиб, дурдоналарга ўзгарилмас зарар етмоқда.

Бебаҳо обидалар аянчли аҳволда туришига қарамай, ҳукумат маъмурлари уларни муҳофаза қилишга деярли маблағ ажратишмаяпти.

(ТАСС).

САЛЬВАДОРДАГИ ВАЗИЯТ

МАНАГУА. (ТАСС). Мамлакатнинг демократик кучлари революцион—демократик фронтининг даъватига биноан умуммиллий забастовка ўтказмоқда. Сальвадорнинг ҳукмрон режими шу забастовка қатнашчиларига қарши жабр-зулмни тобора кучайтирмоқда. Бу забастовка Қўшма Штатларнинг Сальвадор ички ишларига аралашувига ва демократик ўзгартишлар учун курашаётган ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, студентлардан Вашингтоннинг хомийлиги билан оммавий ўч олинаётганига қарши норозилик белгиси сифатида уюштирилган эди.

Революцион демократик фронтнинг бу ерда эълон қилинган маълумотида айтилишича, ялпи иш ташлашнинг уч куни мобайнида мамлакат пойтахтида 150 дан ортиқ киши ўнг террорнинг қурбони бўлди. Морасан департаментида жазочи қўшинлар деҳқонларнинг манзилгоҳларини миномётлардан ўққа тутмоқдалар. Тинч аҳоли ўртасида анчагина киши ҳалок бўлди. Америкалик «маслаҳатчилар»ни ҳам ўз ичига олган ҳарбий бўлинмалар Сан—Сальвадордан Санта—ана шаҳрига бориладиган катта тош йўлни назорат қилиб турибдилар, дейилади маълумотда.

Сальвадор бирлашган карасаба союзлари федерациясининг биносини жазочи қўшинлар ишғол қилиб турибди. Пойтахтдаги ҳамма асосий жойлар армия ёки ҳарбийлаштирилган ҳарбий гуруҳлар назорати остига олинган.

Қонли репрессияларга қарамай, Сальвадор меҳнаткашларининг умуммиллий забастовкаси муваффақиятли ўтди. Забастовка халқнинг бирлигини ҳамда унинг демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгартишлар йўлидаги курашини давом эттириш аҳдини намойиш этди.

ИСРОИЛ парламенти Қуддус шаҳрига Исроилнинг барча давлат муассасаларини кўчиришни кўзда тутган қонун чиқариб, ҳам араб, ҳам бутун жаҳон жамоатчилигининг қаҳр-газабини келтирмоқда. Суратда: Исроил қўрқувчилари Қуддуснинг шарқий қисмида жойлашган кўчаларидан бирида. (Штерн журналидан олинган сурат). ТАСС фотохроникаси.

Спорт

ОЛМАЛИҚДА УЧРАШАДИЛАР

«Комсомольская правда» газетаси соврини учун ГТО кўпкураши Бутуниттифоқ мусобақаларининг дастлабки босқичлари ниҳоясига етди. Кўп сонли спортчилар район ва область миқёсида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Энди ғолиблар республика биринчилигида иштирок этишади.

Куни кеча Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида мусобақаларни ўтказиш ташкилий комитетининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда область комсомол ташкилотлари, физкультура ва спорт комитетлари ўз тайёргарликлари ҳақида ҳисоб бердилар.

ГТО кўпкураши мусобақаларининг навбатдаги босқичи 23 сентябрдан 27 сентябргача Олмалиқ шаҳрида ўтказиладиган бўлди. Шу кунларда шаҳардаги барча стадион ва майдонларда бўлажак мусобақаларга ҳозирлик кўрилаяпти.

ТОШКЕНТЛИКЛАР УСТУН

Классик кураш бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон шахсий ва команда биринчилиги мусобақалари Навоий шаҳрида бўлиб ўтди. Унда кўпгина спорт жамиятлари ва идораларидан 60 дан ортиқ полвон иштирок этди. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, гиламга тушган тошкентлик спортчиларнинг аксарияти муваффақият қозонишди.

Умумкоманда ҳисобида 52 очко тўплаган «Буревестник» вакиллари биринчи ўринни эгаллашди. Пойтахт армиячилари иккинчи, «Меҳнат» спортчилари учинчи бўлдилар.

Шахсий ҳисобда эса вазн категориясидаги тартиб бўйича қуйидагилар ҳурмат шохсупасига кўтарилишди: Ф. Ҳамроев (Бухоро), Х. Ибрагимов (Тошкент), М. Солиев (Бухоро), Р. Қудратов (Тошкент), Ю. Вольних (Тошкент), А. Баранов (Тошкент), С. Иолкин (Тошкент), Қ. Тишликов (Тошкент), С. Молчанов (Тошкент).

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

«Динамо» (Москва) ва Ростов армиячиларининг учрашуви билан мамлакат футбол чемпионатининг 19-тур ўйинларига якун ясалди. Бу баҳсда 2:0 ҳисоби билан армиячиларнинг қўли баланд келди. Шу турдан сўнг командаларнинг турнир жадвалидаги ўринлари қуйидагича:

Командалар	Ю	Д	М	Т	О
«Спартак»	11	6	2	28—12	28
«Динамо» (К)	12	3	4	36—14	27
«Зенит»	9	5	5	31—28	23
ЦСКА	8	7	4	21—18	23
«Динамо» (Т6)	8	5	6	29—18	21
СКА	8	5	6	23—20	21
«Шахтёр»	8	5	6	26—25	21
«Черноморец»	8	5	6	20—22	21
«Динамо» (Мн)	5	10	4	22—23	20
«Кайрат»	6	6	7	19—24	18
«Арарат»	5	8	6	19—20	18
«Динамо» (М)	4	9	6	18—19	17
«Торпедо»	5	6	8	15—18	16
«Нефтчи»	3	6	8	16—21	15
«Кубань»	3	5	9	21—25	15
«Пахтакор»	4	6	9	13—22	14
«Локомотив»	3	6	10	18—28	12
«Карпати»	3	5	11	12—30	11

Биринчи лига командалари бахсида Жиззахнинг «Бўстон» командаси қатор мағлубиятдан сўнг ўз майдонида Одессанинг армиячиларини қабул қилди. Бу ўйинда 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

83-БЎКА КОЛХОЗЛАРАРО ҚЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАГА

ғишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, бўёқчилар, пайвандчилар, электриклар, транспорт трактор-ларининг ҳайдовчилари, бульдозерчилар, камида 3 йиллик иш стажи бўлган ҳайдовчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи: ишбай ишлайдиганларга ишбай-мукофотли, вақтбай ишлайдиганларга вақтбай-мукофотли, яшнинг кўчма характери учун 20 процент қўшимча ҳақ тўланади.

Оилалилар шинам уй-жой билан, ёлғизлар эса ётоқхона билан таъминланадилар. Болалар боғчаси бор.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бўка райони, Магистральная кўчаси.

«СТАЛЬМОНТАЖ» БОШҚАРМАСИГА

монтажчи-верхолазлар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-аккордли-мукофотли.

Ёлғизлар шинам жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар. Оилалиларга навбати билан турар-жой берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Олмалиқ шаҳри.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ГРАЖДАНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Нўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида пассажир автотранспорта бош ишлаб чиқариш бошқармаси микроавтобус маршрут таксиларининг салонларида йўл кира тўланадиган касса-копилкаларини ўрнатди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 31-уй. Телефон: 56-70-18.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Сизга манзур шеърлар. 10.35 — Лўли. Бадиий фильм. 1-серия. 12.15 — Ҳужжатли фильмлар. 12.45 — Концерт. 13.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Рус тили. 16.40 — Концерт. 17.05—Горнчилар, қаердасиз! 17.25—Подмосковье диалоглари. 17.55 — Фильм-концерт. 18.25 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 18.40 — Расмларда қуёш акси бор. 18.55 — Олимпиада-80. (28 июль кундалиги). 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фильм-концерт. 19.50 — Олимпиадачилар уйга қайтиб келишди. 20.05 — Лўли. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Нима, қачон, қаерда? 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Кўнгироқча. Комик опера.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Концерт. 12.00 — Ақлли буюмлар. Бадиий фильм. 2-серия. 13.05 — Юртим тароналари. 13.35 — Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёш куч. 19.00 — Ичкиликка қарши кураш. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қалб ва қўшиғим сизга. 21.30 — Время. 22.05 — Ишга туширилади ган объектлар ўз муддатида. 22.30 — Бадиий фильм 2-серия.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Болалар учун фильм. 20.45 —Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида. 21.15 — Реклама. 21.30 — Совет жангчиси почтаси. 22.00 — Ярим кечада учрашув. Музикали новелла. 22.20 — Андроников сўзи. Бадиий ўқиш. 1-фильм.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА 1981 йил учун ИДОРАВИЙ ОБУНА ДАВОМ ЭТАДИ.

Обуна «Союзпечать» агентликларида 31 августгача расмийлаштирилади.

1 сентябрдан кейин тўланган заявкалар қабул қилинмайди.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335883, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334803, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325643, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02153. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1671.